

## «УЗНЬОСНЕТ»ДА ЯНА ЎХХГА ҚАРШИ ЁЛҒОН-ЯШИҚЛАР



ЎХХга қарши адовати билан танилган «Узньоснет» сайтида яна бир дезинформация. Ёлғон-яшиқларга тўла эндиғи ёзиғи шундай бошланади:

«ЎХХ матбуот баёноти чоп этди, унда бутун мамлакат бўйлаб давом этаётган оммавий норозиликларга нисбатан Анқаранинг кўзқараши ва мавқеини кўчириб ёзган».

Ўзбекистон Халқ Харақати ҳеч қандай матбуот баёноти чоп этмаган.

Туркия Бош вазири Т.Эрдўғоннинг хорижий сафардан қайтиши ҳақидаги ЎХХ ахборот марказининг кичкина хабари жиззак журналист хотин Г.Бухарбаева тарафидан гўёки ЎХХнинг расмий баёноти каби тақдим этилади.

Мана хабарнинг тўлиқ матни:

Эрдўғон Туркияга қайтиб келди

Сўнги ўн кундан кўпроқ муддатда Туркиянинг турли шаҳарларида ҳукуматга, тўғрироғи Бош Вазир Эрдўғон олиб бораётган сиёсатга қарши намоишлар бўлиб ўтмоқда. Одатда сиёсатчилар бундай оммавий намоишлар туфайли хорижий сафарларини бекор қилиб, юртларига қайтиб келадилар. Аммо Туркия Бош Вазири намоишлар энг шиддатланган кунларда тўрт кунлик расмий сафар билан Мароккаш, Жазоир ва Тунисга жўнаб кетганди.

Кеча соат тунги 02 ларда Истанбулга қайтиб келган Эрдўғонни ўн мингга яқин тарафдорлари кутиб олдилар. Бу кутиб олиш Эрдўғоннинг машхур Давос сафаридан қайтиб келишига ўхшади. Ўшанда Эрдўғон Исроил Президенти Пересни котилликда айблаган ва дунё мусулмонларининг қахрамонига айланганди.

Эрдўғон кеча ўзини кутиб олган инсонларга қарши нутқ сўзлади. У нутқида ҳозир Туркияда бўлаётган намоишларни фойиз (судхўрлик) лоббилари тарафидан қўллаб қувватланаётганини айтди. Шунингдек, Эрдўғон бизни халқ сайлаган ва бизни ҳокимиятдан фақат халқ узоклаштириши мумкин, деди. Бу билан Эрдўғон ҳозирги намоишлар унинг ҳукуматини

ҳокимиятдан узоклаштира олмаслигини таъкидлади.

ЎХХ Ахборот Маркази

<http://uzxalqharakati.com/archives/19465>

Бу ерда ЎХХнинг бирор «ўзгача фикри»ни ёки ташкилотнинг сиёсий мавқеини ифода этувчи бирор сўз йўқ. Бор-йўғи Туркия лидерининг хорижий сафардан қайтиши ва мамлакатдаги вазият ҳақидаги қуруқ фактдан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Г.Бухарбаева ёзади: «ЎХХ Туркиядаги норозиликларда халқ иродасини кўрмади ва юзлаб хибс этилган, калтакланган, хатто ўлдирилганларга жони ачимасдан, турк ҳукуматини қўллади. Ўзгармас лидер Муҳаммад Солиҳ тарафидан бошқарилаётган муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Харақати (ЎХХ) «ичган қудуғингга тупурма» мақолига амал қилишни маъқул кўрди».

«Узньоснет» яъни Бухарбаева «ЎХХ турк ҳукуматини қўллагани ва юзлаб маҳбусларга ачинмаслиги»ни қаердан топа қолди экан?

Бухарбаеванинг кўзини лўқ қилиб ёлғон айтиб туравериши ва бўлар-бўлмагса жанжал чиқарувчи майдағиплиги бизга кўпдан таниш.

Афсуски, Ўзбекистонда ҳар қандай маълумот олишининг имконлари йўқлиги боис, «Узньоснет» ҳозирча маълумот манбаи бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса, у аллақачон ўзбек журналистикасига тушган қора доғ бўлиб улгурган.

ЎХХ Ахборот Маркази

## ГУГУША: “ПОК” ДЕМОҚЧИ ЭДИМ “ПЎК” ДЕДИМ...

Ўзбекистон халқининг қуллик ва зулмда қолишига сабаб бўлаётганлар орасида ҳеч шубҳасиз ватанимизда ўз миллатига хиёнат қилаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ва динни никоб қилиб олган сарой уламолари бор.

(Давоми 2-Бетда)

## КАРИМОВ ДЕМОКРАТИЯСИ — ДИКТАТУРАДИР

Демократиянинг энг ўзига хос маъноси шундаки «демос» — Халқ «кратос» — Ҳокимиятдир. Яъни Халқ Ҳокимияти, яъни Халқ Ҳоким қаби мазмундаги маъноларни билдиради. Энди Жамиятимиздаги Халқимиз Ҳокимлигини бир солиштирайликчи. Халқ Ҳокимияти шу экан-да? Диндорлар қамокда, сиёсат илмлари таъқиқланган, сўз ва виждон эркинлиги бўғилган, инсон ҳуқуқлари топталади хамиша, болалар мажбурий ишлагилади ва х.к.

(Давоми 2-Бетда)

## АЁЛЛАР ҚАМОҚХОНАСИДАН НИДО

Тошкентдаги Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган КИН/7- сонли аёллар турмасидан туриб сизларга мурожаат қиламиз. Дини учун қамалган мусулмаларнинг нидосини эшитишликка чақирамиз. Биз мусулмон бўлиб ўз динига амал қилганимиз учун инсон зотига муносиб келмайдиган таҳқирларга дучор бўлган ожизалармиз. Биз эмизикли гўдақлари бағридан тортиб олинган, фарзандлари кўчаларда тарбиясиз қолиб кетган оналармиз.

(Давоми 3-Бетда)

## ХАҚ-ҲУҚУҚИ ТОПТАЛГАН ХАЛҚ НАЖОТНИ КИМДАН ИЗЛАСИН ?

Аллоҳ Таъло Қуръон Каримда, “Бани башар инсонларни маърифат йўли билан курашишга даъват этаман” деган. Шундай экан азиз биродарлар! Курашни маърифат, маънавият ва маъфкура йўли билан амалга оширайлик. Халқимиз йўлини шу маърифат йўли билан ёритайлик. Ўзбек халқини қоронғу зулмат ичидан ёруғ кунларга олиб чиқайлик... Ҳар бир ўзини, “Алҳамдуллоҳ мен мусулмонман!” деб ҳисоблаган инсон, Аллоҳнинг сўзига ва унинг китоблари ва пайғамбарларига итоатда бўлиши фарз ва қарзидир.

(Давоми 3-Бетда)

## ГУГУША: “ПОК” ДЕМОҚЧИ ЭДИМ “ПЎК” ДЕДИМ...

Ўзбекистон халқининг қуллик ва зулмда қолишига сабаб бўлаётганлар орасида ҳеч шубҳасиз ватанимизда ўз миллатига хиёнат қилаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ва динни никоб қилиб олган сарой уламолари бор. Чунки уларнинг асосий вазифаси халқни зулмга қарши даъват қилиш ва халқга ҳақиқатни етказишдан иборатдир. Аммо афсусуки бу тоифалар диктатор Каримовнинг зулми ҳақида овоз чиқармай тилсинг шайтонга айланганлари етмаганидек, энди ўзини отасининг вориси, деб эълон қилишга ҳозирланаётган Гугушага, яъни Гулнора Каримовага ҳам лаган-бордорлик қилмоқдалар.

Сарой уламоларидан Абдулазиз Мансурнинг Гугушага садоқат билан хизмат қилаётгани ҳақида аввал хабар бергандик. Бугун эса матбуотда охириги пайтда номи кўзга ташланаётган “Даракчи” сайтининг миллатга хиёнатидан бир мисол келтирмоқчимиз. (darakchi.uz)

Ушбу хабарда айтилишича Гулнора

Каримова ўзбек тилини ўрганишда катта муваффақиятларни қўлга киритаётгани кўпқиликнинг диққатини тортаётган экан. Жумладан Гугуша Биби Орифа масжиди очилишидаги нутқида шундай деган:

“Биринчидан, мана шу кунга, бизнинг пок ниятимизга етказгани учун Аллоҳга минг марта шукр”. Аммо Озодлик радиоси ушбу анжуман ўтган кунда Гугушанинг бу сўзларни “Бизи пўк ниятимизга етказгани учун Олога шукр”, дея талаффуз қилганини хабар берганди. Яъни, Гулнора Каримова “пок” дейман деб “пўк” деган. Яхшиямки, шунга яқин бошқа бир сўзни айтиб юбормаган...

Аҳвол шундай экан, “Даракчи”га Гулнора Каримовани макташ нега керак бўлиб қолди? Албатта, бу сайт ходимлари бунга мажбурлашган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки Гулнора Каримовнинг диктаторликда отасида қолишмаслиги маълум. Шундай бўлса ҳам, агар виждонли фуқароларимиз, улар матбуот ёки



дин соҳаларида ишлайдиган бўлсалар, асло ва асло диктатор ва қизини мактамаслиги, лозим бўлса ўз вазифаларидан истеъфо қилиб, тижорат ёки тадбиркорлик каби эркин фаолият билан шуғулланишлари ёки хорижий давлатларга хижрат қилишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

Гугушага келадиган бўлсак, унинг шахс ва диктаторнинг қизи сифатида пок эмаслиги аниқ. У бўлса бўлса ўзи айтган каби “пўк” ёки унданда ҳам баттар бир махлукдир...

ЎХХ Ахборот Маркази

## КАРИМОВ ДЕМОКРАТИЯСИ — ДИКТАТУРАДИР



Демократиянинг энг ўзига хос маъноси шундаки «демос» — Халқ «кратос» — Ҳокимиятдир. Яъни Халқ Ҳокимияти, яъни Халқ Ҳоким қаби мазмундаги маъноларни билдиради.

Энди Жамиятимиздаги Халқимиз Ҳокимлигини бир солиштирайликчи. Халқ Ҳокимияти шу экан-да? Диндорлар қамоқда, сиёсат илмлари таъқиқланган, сўз ва виждон эркинлиги бўғилган, инсон ҳуқуқлари топталади ҳамини, болалар мажбурий ишлатилади ва ҳ.к.

Бу Жамиятда Халқ Ҳокимияти деган нарсга умуман йўқ, Халқ қадрли умуман чақа тангачалик қадрқийматга эга эмас, бу Жамиятда Давлат Ҳоким бу ер Давлат Ҳокимияти яъни Диктатура.

Халқ Ҳокимияти бўлганида, одамлар Митинглар, Намойишлар қилишни одат қилишарди, Сиёсатда ўз ўринлари бўларди, Сўз эркинлиги нима эканини тушуниб етган бўлишарди, 3- ва 4-Ҳокимиятларимиз яъни Суд ва ОАВ тизимлари мустақил бўлган бўларди, цензурага қарши кураш бўларди ва унга йўл қўйилмас эди, ҳар қандай сиёсий қарорларни танқид этилган ва бунинг Жамият учун фойда ва зарарларини муҳокама этишда ҳар бир фуқаро

ўз фикри ҳамда танқиди билан ижобий қатнашган бўларди, қамоқдаги қийноқлар, инсон ҳуқуқларининг топталиши, болалар мажбурий ишлатилиши ва бошқа масалаларни Халқ танқид этган ва бунга қарши чиққан бўларди. Бу юртда ҳақиқатдан ҳам Демократик муҳит бўлганида, Партиялар кўп ва мустақил бўлган бўларди, улар кўғирчоқ бўлмасди, сайловларда номзодлар қўйиларди, ҳар бир партия ўз муҳолиф ишларини бемалол ижро этган бўларди, Каримовнинг ҳар бир ноқонуний ишлари ҳақида жар солиб бонг урарди, Халққа даъватлар этилган бўларди.

Энг яққол бир мисол келтираман, агар ростдан ҳам Демократия принципларига асосланган бошқарув бўлса нега мана икки йилдирки, Ўзбекистон Халқ Харакати партия сифатида рўйхатдан ўтказилмайди? Нега Эрк партияси мана бир неча ўн йиллардан бери босим остида ва расман қабул этилмаяпти? Чунки бу иш Диктаторлик бошқарувда бўлиши мумкин эмас, ҳар қандай танқид йўқ қилинади бу тузумда.

Агар бизда чинакам Халқ ҳокимияти бўлганида одамларимизда сиёсий иммунитет уйғонган бўларди, танқид қилиш, муносабат билдириш, қарши чиқиш деган нарсалар шаклланган бўларди. Давлат Халқнинг, ОАВ нинг танқидларидан хайиқадиган бўларди, Халқ билан ҳисоблашадиган бўларди, ана ўша Иммунитет бизларни қулликдан асраган ва озод яшашга ундаган бўлар эди, ана ўшанда Давлат ўз масъулияти нималардан иборат эканини жуда яхши англаб қоларди.

Каримов яратган Демократия — Диктатурадир. Мана сизга мисоллар:

-қандай қарор ёки фармон чиқмасин, сўзсиз итоат этиш мажбурий, ҳеч қандай танқид ёки қаршилиқ билдириш мумкин эмас;

-ҳеч қандай сиёсий масалани Халқ орасида гапириб ҳам бўлмайди, Демократик давлатларда ёш болалар ҳам сиёсатни билади, одамлар раҳбарини юзига айбини бемалол айтади, бемалол танқид қилади. Бизда ҳатто ўз ҳокимини танимайди шунчалик сиёсатдан қочганидан.

-бирор марта сиёсий танқид ёки муносабатни кўрган эмасмиз, ҳамини Халқ орасидаги қонунбузарлар (яъни диндорлар) танқид остида. Ҳа, бу қандай жамият энди Диктатура бўлмай?

-одам сайловларда кимни сайлаётганини ҳам билмайди, маҳаллаларда ўзлари ўрнини билмайдиган сайлаб қўйишади, хайронман Халқ наҳот ҳали ҳам сайловларга ишонса! Референдум Диктатурада бўлмайди асло, ҳаммаси қоғозбозлик холос.

Мана шундай, Диктатурани Демократия деб ўйлаётган аксарият Халқимиз кўр-кўрона шу тузумни олқишларини қандай баҳолаймиз? Қўрқув кучидан одамлар зулмни адолат деб туришса, буни қандай изоҳлаймиз?

Яққол Диктатура-ку бу, на қонунга амал қилади на адолат, пора-ку кунлик эҳтиёжимиз бўлиб қолган, оддий одамлар қадрли бир тийин, ҳамма кўрқоқ ва жим, инсон ҳуқуқлари жамиятлари умуман ривожлантирилмайди, сиёсий танқидлар мутлақо йўқ нарсга, ҳаммаёқ қоғозбозлик амалда эса ҳеч нарсга йўқ, бу дегани ҳаммаси сохта дегани.

Бу тузумни озод тузум эмас, бу тузум ўта қаттол зулм ва ўлим тузумидир.

ИМОН МУФАССАЛ



## АЁЛЛАР ҚАМОҚҲОНАСИДАН НИДО

*Тошкентдаги Ҳамза тумани, Фаргона йўли кўчасида жойлашган КИИ/7- сонли аёллар турмасидан туриб сизларга мурожаат қиламиз.*

*Дини учун қамалган муслималарнинг нидосини эшитишликка чақирамиз.*

*Биз муслмон бўлиб ўз динига амал қилганимиз учун инсон зотига муносиб келмайдиган таҳқирларга дучор бўлган ожизалармиз.*

*Биз эмизлик гўдаклари бағридан тортиб олинган, фарзандлари кўчаларда тарбиясиз қолиб кетган оналармиз.*

*Қамоқхонада ҳам рўмоллари бошидан тортилиб олинган бечоралармиз.*

*Ўз Яратувчисига ибодат қилиш неъматидан маҳрум этилган, намоз ўқиса ҳақорат эшитадиган, қўлларидан Қуръони тортиб олинмайдиган маҳбусалармиз.*

*Агар замон чархпалаги тесқарига айланиб, тақдир тақозоси билан бизни таҳқирлаётган, қийнаётганлар билан бизнинг ўрнимиз алмашиб қолса, бизга қийнаётган муомалаларни уларнинг ўзига асло қилмаган бўлар эдик.*

*Бу ердаги муомалани иймонли инсонлар душман у ёқда турсин, хатто ҳайвонга ҳам раво кўрмайдилар.*

*Бу қамоқхонада сочини беркитиб рўмол ўраш таъқиқланади. Кийимлар тиззасидан баланд бўлишлиги шарт.*

*Қайси бир муслима тиззасини ётиб, узунроқ кўйлак кийса, унинг кўйлаги йиртиб ташланади. Хатто муслималарнинг номусига қўллар теккизилади.*

Бошимизда ушбу кунлар бўлмаганда, маюс кўзлар жикка ёшга тўлмаганда. Бу сўзларни сатрларга термасмидим, дуоларга кўп эътибор бермасмидим.

Зулм остида кон ютмоқда иймон аҳли, хаддан ошмиш ўзбекларнинг Абу Жаҳли. Насорою, яҳудларни сийлар бунда, муслмонни ҳеч аёвсиз қийнар бунда.

Таҳажжудда туриб Ҳаққа нидо қилинг, нафсингизни уйқусидан жудо қилинг.

Адо этиб маҳбуслардан қарзингизни, Қодир Зотга баён айланг арзингизни.

Дарди йўқлар майли ётсин, аммо сизлар, яқинлари хибс этилган ўғил қизлар. Кечалари сиз ҳам туриб дуо қилинг, эшитгувчи доим уйғоқ Худо билинг.

Мазлум учун шариатда қасос бордир, лаънатлашга Қуръонда ҳам асос бордир. Дуо билан тарқалсами овозалар, очилгайдир осмон ичра дарвозалар.



Чунки номард андишани кўрқоқ билар, мўминни эмас иблисни у ўртоқ билар. Муслимани бармоғига бигиз санчиб, тирноқларин суғурсалар эзиб янчиб.

Дин аҳлини битта битта ўлдирсалар, мамлакатни мазор билан тўлдирсалар. Ким бу ишга қайғурмасдир, тошбағирдир, виждонсиздир, ярамасдир.

Мунофиқлар ислом юртин қилса пайхон, рози бўлиб жим турганлар соқов шайтон. Қайтармаса ё қўл билан ё тил билан, мўминмасдир рад этмаса ё тил билан.

Дуо қилинг маҳбусларга сабр берсин, золимларга қатор қатор қабр берсин.

**деб маҳбуса муслима сингилларингиз**

## ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ТОПТАЛГАН ХАЛҚ НАЖОТНИ КИМДАН ИЗЛАСИН ?

Аллоҳ Таъло Қуръон Каримда, “Бани башар инсонларни маърифат йўли билан курашишга даъват этаман” деган. Шундай экан азиз биродарлар! Курашни маърифат, маънавият ва маъфура йўли билан амалга оширайлик. Халқимиз йўлини шу маърифат йўли билан ёритайлик. Ўзбек халқини қоронғу зулмат ичидан ёруғ кунларга олиб чиқайлик...

Ҳар бир ўзини, “Алҳамдуллоҳ мен муслмонман!” деб ҳисоблаган инсон, Аллоҳнинг сўзига ва унинг китоблари ва пайғамбарларига итоатда бўлиши фарз ва қарзидир. Инсон ким ва кимлигидан бўлишидан қатъий назар, аввалом бор, Аллоҳнинг бирлигига ва борлигига қалима келтирмоғи лозим. Унинг кўрсатган йўлига ўзининг қилган амаллари асосида иймон келтирмоғи зарур. Инсон тақдирига тан бериб яшамоғи лозим. Аммо, Аллоҳ Таъло инсоннинг тақдирини нима деб ёзган бўлса, албатта ҳаммасини Аллоҳдан деб билмоғи лозим. Аллоҳ ҳар бир инсонга бахт ва саодат ҳамда қулфат ва зулмат, ичида ҳаёт насиб этса ҳам, Аллоҳдан деб билмоғи лозим. Чунки, инсоннинг тақдири дунё юзини кўрмасидан олдин ёзилар экан. Лекин, Ҳар бир инсон Аллоҳнинг ёзган тақдирини ўзгартиролмади. У бир ожиз инсондир....

Бироқ, Бир нарсани инсон ҳеч қачон унутмаслиги керак. Аллоҳ инсонга онг, тафаккур, ақл берди. Аллоҳнинг бу берган неъматларига инсон ҳар бир куни ва ҳар бир тунида шуқурунасини айтишдан чарчамаслиги керак. Бу тиллар ва диллар кечаю-кундуз, фақат ва фақат Аллоҳ!

Аллоҳ! Аллоҳ! деб ўтмоғи лозим...

Ҳар бир инсон Аллоҳнинг ҳар бир тонгида ўз шуқурунасини билдиради. Мен шу тонгда, Аллоҳга мурожаат этаман. “Эй, Аллоҳ! Мен ўз куч ва қувватимни халқим учун ва унинг келажаги учун сарф этажакман. Мен зулмга қарши куражакман. Мен мазлум инсонларни бахти-саодати учун тилажакман. Аллоҳ ва унинг бандалари олдида ўзимни тақдиримни тиклажакман. Мен бу йўлда қўллаб-қувватлашини илтижо қилиб сўрамай...”

Эй, Худо!

Мени бу зулм ҳар қандай йўл билан айбласа ҳам, халқимни ва ёшларимни учун, ҳамма нарсанга тайёрман! Иншоолоҳ! Мен бу золимдан ҳеч қачон кўркмайман!

Эй, Раббим!

Мени бу золимга қарши курашмоғим учун, менга тафаккур ақлдан бенасиб қилмагин!

Ё Раббим!

Ўзинг йўл кўрсат!

Аллоҳ! Мени Ўзинг ёрлақ!” деб айтаман ва ундан нажот излайман...

Мен азиз биродар инсонларимизнинг бахти-саодати учун, курашишда ўзимнинг танамни ва жонимни тиккишга ҳам тайёрман! Мен ҳар қандай ёвузлик ва зулмга қарши курашишда тайёрман! Мўмин ва муслима аёлларимизни зулм чангаллидан қутқариш учун тайёрман!

Бу курашда менда на пул, на менда қурул бор. Мен бир оддий ўзбек ўғлониман! Мен бир йўқсил инсондурман! Мен бир оғочман! Мен бир зулмининг занзирбанд этилган, кичик ҳалқачасиман!!!

Мен фақат ва фақат Аллоҳ Таъло Қуръони Каримда кўрсатган, МАЪРИФАТ куйчисиман. Мен маъфура ва маънавият курашчисиман. Мен фақат мазлумлар тарафдориман. Мен фақат эзилган опа-сингиллар биродариман. Мен ўзбекнинг оддий фуқаросидирман!

Мени бу золим тузум, “Радикал”, “Экстермизим”, “Терроризм” “Ат-тест”, “Провакатор”, “Снбчи” деб атаса ҳам, мен ҳаммасига тайёрман! Гарчи бу золим ҳуқумат ҳаётим давомида бир неча бор, заҳарлашга урунган бўлса-да, мен шунга розиман. Хатто-ки, бу йўлда ўлимга ҳам тайёрман!

Эй, инсонлар! Энди Зулмга қарши курашиш ва амалий ишга ўтиш вақти келди!


Кимда-ким, зулмга қарши курашмоқчи бўлса, Ўзбекистон кўчаларига чиқсин!

Агар кимда-ким, зулм тарафдори бўлса, унда ўз қуллигича қолаверсин!

Агар кимда-ким, мазлум инсонлар тарафда бўлса, ўзбек халқига қўшилсин!

Агар кимда-ким Каримов зулмини қўллаб-қувватласа, унда марҳамат уйида қолайверсин!

**Фахриддин Тиллаев.**



## ГАП УНДА ЭМАС, БУҒДОЙДА

АҚШ ни кўплар сеҳрлик диёр, орзулар мамлақати ва яна нималардир деб алкайди. Гўёки, АҚШ ер юзининг жаннати! Кимлар учиндир шундай бўлса керак, албатта. Айниқса, пули кўпайиб қолган бойваччалар учун, лекин чўнтагидан шамол ўтиб турган, айниқса хийла-найранглари билмайдиганлар одамлар учун эса нафақат АҚШ, ҳаттоки Ғарб дунёси ҳам нақд дўзахнинг ўзи десак кўп муболага қилмаган бўламиз.

Бунда мана шу “топармон-тутармон” бўла олмаган одамлар иккинчи, балки учинчи сорт одамларга айланиб қолишди ва уларга фақат ширин ваъдалар берилди. Айниқса сайловлар олдидан. Мана шу иккинчи ва учинчи сорт одамларнинг кадри ошади, қачонки уларнинг сайловда берадиган овози ўша “кимлар” учин зарур бўлса. Бунинг номини ҳам “алдов” дейдилар, “фитна” дейдилар. Лекин ошқора айта олмайдилар. Хўжайинлар эшитиб хафа бўлмасин.

Бир эслаб кўринг, собиқ Совет Иттифоқи даврида АҚШ дунёни Советлар хавфидан қўрқитишга интиларди. Ғарбий Европа мамлакатларида, Осиё китъасидаги бир қанча давлатлар худудларида ўзининг ҳарбий базаларини яратаркан, уларни Советлар хавфидан ҳимоя қилаётганини айтгарди. Бирок Советлар бирор худудга бостириб қирмагани ҳам. Тўғри, Гитлер Германияси билан Советлар 1939 йилда бир келишувга эришгач, улар Польшани ўзаро иккига бўлиб олишди ва Болтиқбўйидаги уч мамлакат, ҳамда Финляндияни Советлар эгаллаб олиши кўзда тутилганди. Ушанда Советлар Финляндияни эгаллаб олишмади. Собиқ СССР таърихида фақат мана шу қора доғлар бор холос, бирок бу ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келади.

Яқинда таниқли тожик шоирларидан бири Бозор Собир ўз ватани Тожикистонга қайтиб кетди. У 1992-97 йилларда Тожикистонда кечган фуқаролар уруши ортдан тарки ватан қилганди. АҚШда бўлган кезларидак ўзининг 30 йил давомида Советларга қарши кураш олиб борганини ва муҳожиротга чиқганидан кейингина Советлар энг қудратли ва адолатли мамлакат бўлганлигини тушуниб етганлигини билдирган эди у. Энди эса Тожикистонга қайтиб борди. Бу қарорига изоҳ берган шоирнинг ўзи кексайиб қолганлигини ва

дунёдан ўтса, унинг жонсиз жасадини АҚШ дан Тожикистонга олиб келиш эса жуда қимматга тушиши мумкинлиги билан тушинтирди.

АҚШ да юздан ортиқ сиёсий партиясиз мавжуд ва сайловларда эса фақат икки партия – Республикачилар, ҳамда Демократлар партиясиз иштирок этади. Нега шундай?

Фикри ожизимизча, бу икки партия бири бирдан мутлақ фарқ қилмайди ва улар АҚШ нинг кўзга кўринмас ҳукуматининг хизматидирлар. Бу кўзга кўринмайдиган ҳукуматни эса, “банклар ҳукмронлиги каолицияси” деб атасак ҳам бўларди. (Албатта бундай терминнинг ўзи йўқ, шунчақ бу хато бўлса ҳам, муаллифнинг янги “кашфиёти” бўла қолсин).

Хозирда ҳам АҚШ Россияни, Хитой ва Эронни демократия душмани деб биллади ва улардан келадиган хавф билан ер юзидаги инсон борки, ҳаммасини алдашга, қўрқитишга уринади. Ваҳоланки, Қўшма Штатларнинг ўзи дунёда кечаётган ҳар бир уруш ва қиргинларнинг тепасида тургани йўқми? Нима учун Оқ уй маъмурияти демократияни айнан Эронга, Россияга киритишга уринади, аммо Ўзбекистондаги автократ режими кўллаб келади? Жумбоқ, шундай эмасми?

Буниси ҳали ҳолва! Шу йилнинг апрель ойида Шимолий Корея АҚШ худудларини ракета ҳужумларига тутиш билан таҳдид қилди ва шу сабаб, икки хафта давомида Шимолий Корея дунё ОАВ нинг диққат марказида турди. Лекин қудратли мамлакат бўлган АҚШ Шимолий Корея худудларига кўшин тортиб келмади. Ажабо, нима учун? Оқ уй маъмурияти Шимолий Кореядан қўрқадими деб ўйласак жуда қаттиқ янгишган бўламиз.

Нима учун Шимолий Кореяга чора кўрилмаганлигининг сабаби эса жуда оддийга ўхшайди. У ерда нефть конлари йўқ! Агар нефть конлари бўлганида борми, бу қилган шўхлиги учун Ким Чен Ённинг шўри қурирди. Айни шунга ўхшаш сабаблар туфайлик, Марказий Осиё мамлакатларидаги диктаторларга ҳам ташлашнимайди улар. Уруш харажатлари арзитайди! Бордию, Шимолий Корея қилган таҳдидни Эрон қилганида нима бўларди? Бунисини ўзингиз тасаввур этиб кўринг! Қаранга, Эрон уруш бошлангудек бўлса, душманга муносиб жавоб қайтаришини маълум қилаяпти холос.

АҚШ буюк ёлғонлар мамлақати дедик! Албатта бунда бутун Американи назарда тутмаганимиз аён бўлса керак. Шунчаки, агар Американи Оқ уй ва Пентагон, ҳамда банк кортелларисиз тасаввур этсак — ҳақиқатдан ҳам бу мамлакат ҳавас қилгулик диёр бўлади.

Совук уруш даврини хотирлайлик. АҚШ нинг қасрида Советлар ўз иқтисодини ҳам ривожлантира олмагани ўшанда. СССР муттасил қурол ишлаб чиқаришга маҳкум бўлди. АҚШ ҳужум қуролларини ишлаб чиқарса, СССР ҳимоя қуролларини чиқарди. Ўша даврда космос учун бўлган курашнинг ҳам эсланг. Ернинг биринчи сунъий йўлдошини Советлар учирди. Юрий Гагарин космосга учган биринчи инсон бўлди. Биринчи бўлиб очик космосга чиқган астронавт Алексей Леонов ҳам советлардан эди. Биринчи космонавт аёл Валентина Терешкова ҳам СССР фуқароси бўлди. 1986 йилда Советлар космосда биринчи бўлиб “Мир” орбитал станциясини ҳам қурганди. Бу ютуқлар осмондан тушмаган бўлмаса керак.

Советларнинг бундай техник ютуқлари олдида хангу манг бўлиб қолган АҚШ 1969 йилда ойга одам “қўндирди”. Бирок бу фазовий сафар эса оддийгина ёлғон бўлганлиги бугунги кунда бировга сир эмас. Буюк ёлғонлар мамлақатининг XX асрда амалга оширган энг буюк ёлғони, унинг 1969 йилдан 1972 йилгача ойга етти марта экспедиция “учиргани” бўлди. Сўзларимиз қуруқ бўлмаслиги учун, хурматли ўқувчини қуйидаги линкларга ўтишини сўраймиз: <http://www.km.ru/front-projects/amerikanzi-nikogda-ne-letali-na-lunu/vyshe-24-000-km-nad-zemlei-radiatsiya-ubivaet-vse-zhivoe>  
<http://www.youtube.com/watch?v=FmNGjLuf3eQ>

Бу каби материаллар Интернет оламида жуда кўп ва уларни таҳлил қилиб қўрган одам ҳақиқат қай томонда бўлганлигини тўла тасаввур эта олади.

Афтидан, турли мамлакатларда содир бўлаётган инқилобий ўзгаришлар ҳам бекорга бўлмапти. Шунга эътибор қаратиш лозимки, Араб баҳори деб аталаётган инқилоб тўлқинлари фақат нефтьга бой мамлакатларда содир бўлмоқда ва албатта улар АҚШ билан қандайдир бир келишувларга ҳам эришмаяпти. Яқинда Ислом оламида танилган шайхлардан бири Қарзовийнинг Сурияга қарши жиҳод эълон қилганини ўқиб қолдик: [uzxalqharakati.com](http://uzxalqharakati.com). Сурияда кечаётган жараён дин учун бўлаётган уруш эмас, балки АҚШ ва Исроил манфаатлари учун олиб борилаётган жанг эканлиги кундай равшан, лекин нега Ислом олами шайхи одамларни Сурия ҳукуматига қарши жиҳодга чақиради? Буниси жуда ажабланарлик!

Илгариги инқилобий ўзгаришларга ҳам аҳамият қаратайлик. Масалан, Араб баҳори деб очилган бўлган Тунисда мусулмонларни қийратиб келган диктатор Бен Али ҳукуматдан ағдарилгач, Саудия Арабистонидан бошлана олди. Ниҳоятда ажабтовур! Шундай эмасми?

Мисрда кечган инқилобий жараёнларни эслайлик. Саудиялик уламои кабирлар Хусни Муборак ҳукуматига қарши курашмоқликни Исломга қарши курашиш билан баробар деб фатво чиқаришди. Ислом қайдаю, Хусни Муборак қайда?

(Давоми кейинги саҳифада)



## БОБУР УСМОНОВ ЗАҲАРЛАНГАН “СМІ” АРТ-КАФЕСИ КИМГА ТЕГИШЛИ?



2013 йил 31 май куни Ўзбекистон халқ ҳаракати веб саҳифасида таниқли сиёсатшунос Усмон Ҳақназаровнинг “Бобур Усмонов автоҳалокати кимнинг буюртмаси?” сарлаҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда муаллифнинг ёзишича, россиялик олигарх Алишер Усмоновнинг жияни Бобур Усмонов 7-майдан 8-майга ўтар кечаси ўзининг ўлимидан сал олдин пойтахтдаги Қори Ниёзий кўчасида (Тошкент мелиорация ва ирригация институти Маданият саройи рўпарасида) жойлашган “СМІ” арт-кафесидаги зиёфатда иштирок қилган.

Усмон Ҳақназаровнинг сенсацион мақоласидан кейин табиий равишда: “Тошкентдаги энг қиммат кафелардан бири ҳисобланадиган “СМІ” арт-кафеси кимга тегишли?” деган савол туғилди. Бу кафе президент Ислон Каримовнинг қизлари ёки тошкентлик бошқа казо-казо тадбиркорларга тегишли, деб ўйлагандирсиз? Йўқ, топа олмадингиз.

Қанчалик ғайритабиий бўлмасин, аммо фактлар шуни кўрсатмоқда-ки, Тошкентдаги “СМІ” (русча “Средства Массовой Информации” сўз бирикмасининг кирилча-лотинча қисқартмаси) арт-кафелари тармоғига “мухолиф” сайт ҳисобланадиган [uznews.net](http://uznews.net) веб саҳифасининг бош муҳаррири Галима Бухарбаева эғалик қилади. Бухарбаева бу тармоқни 2000-йилларнинг бошида очган. У пайтлар мазкур тармоққа кирувчи кафеларнинг барчаси сал бошқачароқ — “СМІ” — деб аталарди. Бир муддат сўнгра (2005-2006 йилларда) бу рестороанлар “СМІ” номи билан қайтадан рўйхатдан ўтган.

Бугунги кунда “СМІ” арт-кафелари тармоғига кирувчи барча кафелар Тошкентдаги Ойбек, Юсуф Хос Ҳожиб (собиқ Педагогика), Қори Ниёзий ва бошқа кўчаларида жойлашган. Ушбу фотосуратда Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 68-уйда (Тошкент қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва ирригациялаш институтининг Санъат саройи рўпарасида) жойлашган “СМІ” кафесининг фасади акс этган. Ўлимидан сал олдин Бобур Усмонов айнан мана шу кафедаги зиёфатда иштирок қилганди.

[Uznews.net](http://Uznews.net) бош муҳарририга тегишли бўлган, аммо ҳужжатларда

бошқа шахслар номига очилган барча “СМІ” кафеларининг ички дизайни Бухарбаеванинг шахсий буюртмасига кўра тайёрланган: овқатланиш заллари эски газеталар, журналлар, фотосуратлар, босма машинкалари, телефон аппаратлари ва шунга ўхшаш бошқа эски буюмлар билан безатилган.

Профессионал журналистика тамоилига кўра, ўзининг муаллифлик ва журналистлик позицияси мустақиллигини таъминлаш учун журналист хусусий бизнес билан шўғулланиши мумкин эмас. Аммо ўзини энг демократик, энг профессионал ва энг мустақил журналист дея ўйлайдиган Галима Бухарбаева узоқ йиллардан бери ушбу одоб қондасини бузиб келмоқда. Эҳтимол, “демократ”-леди Ўзбекистон пойтахтидаги хусусий рестороан бизнесини йўқотмаслик учун ўзбек мухолифатини қоралаб келаётгандир.

Бундан ташқари, Усмон Ҳақназаровнинг “Бобур Усмонов ҳалокати кимнинг буюртмаси?” сарлаҳали мақоласида ёзилишича, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати раиси муовини Шуҳрат Ғуломов томонидан бошқарилган мххчилар 7 май куни эрталабдан Тошкентдаги Қори Ниёзий кўчасида (Мелиорация ва Ирригация институти қаршисида) жойлашган «СМІ» арт-кафеси атрофида ва ичида сафарбар этилди. “Заҳарли моддалар билан ишловчи махсус бўлинма Бобур Усмонов ташриф қилиши кутилаётган “СМІ” арт-кафесининг архитектура планини, иш режимини ва ҳатто таомлар менюсини синчковлик билан ўрганиб чиқди”.

Демак, журналист Галима Бухарбаевага тегишли “СМІ” арт-кафесининг персонали ўзбек мххчилари билан ҳамкорлик қилишган ва Бобур Усмоновни заҳарлашда уларнинг иштирок этмаганига кафолат йўқ.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ҳамкасбларини Ўзбекистон ҳукуматидан мустақил бўлишга чақираётган Галима Бухарбаева президентнинг кучишлатар тизимлар буйича собиқ маслаҳатчиси, ҳозирда республика Фавкулудда вазиятлар вазирлигида ишлаётган Турсунхон Худайбергановнинг жияни бўлади. Бу шахс Хоразм вилояти ИИБсига раҳбарлик қилган пайтларда Хива туманидаги Қосимобод мавзесида истиқомат қилувчи 100дан ортиқ намозхонни бир кечада ҳибсга олиб, Каримовнинг назарига тушиб, ёқимтойига айланган.

Кейинчалик Т. Худайберганов ҳибсга олган қосимободлик барча мусулмонлар диний экстремизмда айбланиб, узоқ йилларга қаматиб юборилган.

Бундан ташқари, Наманган вилояти ИИБсига раҳбарлик қилган йиллари Турсунхон Худайберганов намангалик диний фаолларга нисбатан ҳам ўзининг шафқатсизлигини намойиш қилган.

Балки, ўзбек мухолифатига қарши мақолалар ёзишга, ўзбек махсус хизматлари билан ҳамкорлик қилишга Бухарбаевани Тошкентдаги хусусий рестороан бизнеси эмас, балки “демократ”-хонимнинг тоғаси Турсунхон Худойберганов қистаётгандир?

**Алик МАНСУРОВ**

## ГАП УНДА ЭМАС, БУҒДОЙДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

АҚШ ва Европа қарши бўлган Ливияда эса, улар Муаъаммар Қаззофийга қарши курашиш лозимлигини, бу мусулмонлар учун жиҳод қилиш баробар эканлигини таъкидлашди. Нега Ислон дунёси марказида турган уламои кабирлар Исроил ва АҚШ нинг қизиқишидан келиб чиқиб фатво берадилар? Афтидан улар ҳам Исроил ва АҚШ нинг ҳийла найрангларилидан қурилган тузоққа тушишган ва бу туздондан чиқишни ҳам исташмаяпти. Бошқа йўл йўқ уларга! Чунки АҚШ жуда қудратлик мамлакат ва қудратлик мамлакатлар ҳамма вақт кучсизлар устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатишади.

Бизнинг Ўзбекистон ҳам худди шу ҳолатда ва у ҳам АҚШ, ҳамда Исроил чангалида. Бу чангалдан чиқиши мумкин, унда эса Россиянинг чангалига тушади. Чунки ватанамиз қудратлик эмас! Гап шундаки, СССР нинг парчаланиши ортидан дунёдаги мувозанат бузилди ва кимлардир ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун курашлар бошлаганида, тагин АҚШ дек қудратли мамлакат ўз манфаати йўлида, нефт учун урушга кирди.

Ўзингизга савол бериб кўрингчи: нега АҚШ ва Европа Ўзбекистондаги қаттол диктатура сиёсатига эътибор қилмаяпти?т Аммо Россияда қандайдир бир бесоқолбозлар гуруҳи учун эса “жонбозлик” қилишади?

Турмаларда ноҳакдан жабр кўраётганлар муаммоси қайдаю, россиялик бесоқолбозларнинг муаммоси қайда? АҚШ ва Европа Эрондаги ўлим жазосини қатъий қоралаб танқидга тутди, керак бўлса ўлим жазосига ҳукм қилинганларни озод этишни ҳам талаб қилади, аммо Саудия Арабистонидаги қалла кесишларга мутбоқ бефарқ қарайди.

“Гап унда эмас, буғдойда” – дейишади ўзбеклар. Бу каби маккорона сиёсатнинг асосини бутунлай бошқа жойдан излаш керакка ўхшайди. Нафақат биз ўзбеклар, балки дунёдаги ҳар бир инсон ўзида ҳақиқатни кашф эта олса эди, ҳақиқатнинг ўзи бизни таъқиб қилиб юрадиган халқларга, мумкин йирик бир умматга айлана олардик.

**Тўлқин Қораев**

Остонада Ўзбекистондан келган кўп фарзандли оиланинг қора қозонини қайнатиш 11 яшар Муҳаммад Абдуллаевнинг елкасига тушади.

Муҳаммад онаси Нозгул Искандарованинг айтишича, “У жуда ақлли бола. Худо менга уни бергани учун шукр айтаман.

Онаси Нозгул эса тўрт нафар фарзанди билан Қозоғистонда ҳеч вақосиз қолади. Муҳаммадни эса полиция вакиллари навбатдаги рейд пайтида тарози билан ушлаб олишади.

Одатда бола меҳнатидан фойдалангани учун ота-онага маъмурий жавобгарликка тортилади. “Аммо бу гал қонун бўйича эмас, балки виждон амрига қараб иш тутилди”, деб хабар беради

## ҚОЗОҒИСТОНДА 11 ЯШАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОЛА ОИЛА БОҚУВЧИСИГА АЙЛАНДИ

КТК телеканалига асосланиб, СА-News сайтининг ёзишича, оила бошлиғи — отани миграция қонунчилигини бузганлиги учун қамоққа тикишган. Шундан сўнг оила таъминоти 11 яшар ўғил Муҳаммадга ўтади. У ҳар куни пойтахт кўчаларида тарозида одамларнинг оғирлигини ўлчаб берар ва тушган пулга онасини ҳамда икки укаси ва бир нафар синглисини боқарди. У ҳар куни шу юмуш билан машғул бўлар, қаҳратон совуқдагина кўчага чиқмаган, холос. Бола онаси чорасизликдан укаларини ва уни болалар уйига топшириб юборишидан кўрқиб, тинимсиз ишлашга мажбур бўлган. Ҳар куни у ўртача 500-1500 танга пул топган. Ўша пулга оила яшаган, кийинган, қора қозон қайнатишган.

У бошқаларга ўхшамайди, топган пулига ўзига ҳеч нарса харид қилмади, ҳар куни 8 да кўчага чиқиб қетарди, 6-7 да уйга қайтиб келарди. “Ўзингга бирон нарса олдингми? Овқатландингми?” деб сўрардим. “Йўқ, ойи, олмадим. Пул йиғишим керак, укамнинг оёқ кийими адо бўлаяпти”, деб айттарди.

Оилада ҳамма нарса ўз ўрнида бўлган кезлари Муҳаммад спорт билан шуғулланар, совринли ўринларни қўлга киритарди. Муаммоларнинг барчаси отанинг — Ўзбекистон фуқароси ўз ҳужжатларини пойтахтда йўқотиб қўйишидан бошланди. У Ватанига бориб, ҳужжат тўғрилашга йўл олганда, чегарачилар томонидан миграция қоидаларини бузганлиги учун ҳибсга олинади.

КТК.

Астана шаҳри бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаменти директори Риста Жумабекованинг айтишича, қўлида тўрт нафар бола билан қолган аёлни жазолаб бўладими? Уни жазолаш эмас, оилага балки ёрдам бериш керак.

Телеканал хабарига кўра, ота ўз ҳужжатларини тўғрилаб, қайтиб келибди. Қозоғистон фуқаролиги учун ҳужжат топширишни ният қилган. Иш изламоқда. Муҳаммад эса энди бемалол ўқиш ва спорт билан шуғулланиши мумкин, деб ёзади интернет сайти.

*(Жиззахлик, рус миллатига мансуб бир дўстимнинг айтганларини оққа кўчирдим ва ўзбек тилига таржима қилдим.)*

Бугун, эрталаб 8 ларда, қутилмаганда мен ўзимни Каримов, дея ҳис қилдим. Бутунлай эмас, озгинагина. Жиззахдан чиқиб, машинада Самарқанд томон кетаётган эдим. Бир вақт қарасам нимадир ўзгарган, бошқача.



ҳолатидан келиб чиқиб қилади, БИЗ томонга эса у ҳар қанча истаса ҳам ўтаолмайди. Истаган томонига ўтиши мумкин, бироқ биз томонга эмас. Вашингтон ёки Брюссельгами — марҳамат, бемалол. Биз томонга эса самолёт учмайди. Биз томонга ҳатто ўқутмас “Мерседес”да ҳам ўтаолмайди. Қашшоқлик, ишсизлик, ўғрилик, ифлослик, бангилик, вайроналик, йўллар ўйилиб-қўллаб

## КАРИМОВ ВА БИЗ ДЕВОРНИНГ ИККИ ТОМОНДАМИЗ

Олдинда биттаям машина йўқ, йўл бум-бўш. Мени ҳеч ким қувиб ҳам ўтмаяпти, чап эшикка ўрнатилган ойнага қарасам, орқадаям машина йўқ. Ҳеч ким.

Ҳалати туйғу. Бу йўлда кечасиям ҳаракат худди кундузгидай бўларди, ҳозир эса зоғ учмайди. Бироқ ҳар бир чорраҳада қўшша-қўшша ДАН ходимлари туришибди, уларнинг туриши эгилгансимон, афти эса ўта ғалати — ёқимли, нур ёғилгандай. ДАН ходимларида бундай афту-ангорни мен умримда кўрган эмасман. Устига устак, улар менга ҳеч бера бошладилар. Кўзингизнинг олдига келтира олаяпсизми?

Менда йўл четига тўхтаб, эсхушим жойидамикинлигини текшириб кўриш истаги ҳам туғилгандай бўлди. Туш кўраётганим йўқмиким? Қришаммасмиким? Машинамни йўл четига олаётганимда, Худога шукр, бирдан “лоп” этиб хаёлимга келди: э-э-э, булар президент кортежини кутаётган бўлса керак! Асосий йўлга чиқадиган ҳамма бошқа йўллар тўсилган-ку! “КЕЛАЯПТИ!!!” — деган буйруқ берилган бўлса керак! Лекин шу буйруқдан бир лаҳза олдин мен ўз “Мерседес”имда асосий йўлга кириб қолганман! Бўлди! Аниқ шундай бўлган! Милицияларимиз мени дав-

лат кўриқлаш хизмати (ДҚХ) ходими деб ўйлашган: ҳамма нарса яхшими, йўлларни тўғри тўсишганми — бу ходим, яъни мен, шуни текширгани ҳаммадан олдин йўлга чиқарилган бўлиши керак!

Шу лаҳзада мен мамлакатда президент бўлиб ишлаётган Каримов уни қанчалик даражада билмаслигини тушундим. Йўқ, бу фикр жудаям янгиликмас. Лекин Ўзбекистон ва унинг ҳозирги президенти орасидаги жарлик мен учун бир лаҳзада аён бўлди. Бу жарликнинг чуқурлиги ва ҳатто ўпқонлиги шундан иборат-ки, биз ва Каримов бошқа-бошқа дунёларда яшар эканмиз. Бизнинг ўзимизнинг Ўзбекистонимиз бор, унинг Ўзбекистони эса бутунлай бошқа! Биз ва у баҳайбат товуш ўтмас ва кўз кўрмас деворнинг турли томонларида яшар эканмиз: у деворнинг бир томонида, биз эса деворнинг иккинчи томонида. Ўзини севган халқлар ва уларнинг давлат бошлиқлари орасида ҳеч қандай девор йўқлиги нафақат эшитганмиз, балки кўриб ҳам турибмиз. Йўлда мен бир нарсани аниқ сездим: биз ўзини севган халқ эмас эканмиз!

Фикримча, президент беухшов ҳатти-ҳаракатларини ЎЗИнинг Ўзбекистонидаги ишларнинг

ётган, газ ва электр йўқлигидан таппи ёқиб тирикчилик қилинаётган, ҳукумат идораларидаги қўполлик ва ваҳшийлик ҳукм сурган бизнинг Ўзбекистонимизга президент ҳеч қачон келмайди ва ундан хабар ҳам олмайди. Ҳеч иложи йўқ. Иложи бўлганда кўп нарса тушунарли бўларди.

Бир кун у узоқ бир ҳудудга ташриф буюрди. Уерда у нимани кўрди, деб ўйлайсиз? Биринчидан, унинг нигоҳи яхши шим-костюм кийган, галстук таққан, табассум билан турган одамларга тушди. Бизлар уларни мансабли шахслар, хўжайинлар деб ўйлаймиз. Президент-чи?

Президент учун улар ҳечкиммас! Улар маҳаллий хўжаликлар ёки идораларда ишлайдиган одамлар, холос: бири — фермер, пахта экади, бири — электр тармоғини бошқаради, бири — ҳокимиятда ишлайди... Ҳа, шинам шим-костюм кийиб, галстук таққанлар айнан шулар. Гарчи Тошкентдан анча узоқда яшасаларда, кўринишдан оч яшамасалар керак, камбағал ҳам эмаслар. Асосийси, улар президент билан учрашганларидан ўта хурсандлар! Уларнинг юзларидаги бундай қиёфани атайлаб қилолмайсиз.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)  
Кизиғи, бошқа кунларда улар галстук ҳам тақишмайди, қимматбаҳо шим-костюм ҳам кийиб юришмайди, кўпчилиги ҳаммомга ҳафтада бир марта ҳам тушавермайди. Кўпининг уйда ҳаммоми ҳам йўқ.

Учрашувдан кейин президент автовокзал рўпарасидаги туман маркази майдонидан ўтди: қараса, машиналар кўп бўлмаса ҳам, лекин Тошкентдан хийла узоқ авлоқ туман бўлса-да, машиналарнинг кўпчилиги “Мерс”, “Ласетти”, “Нексия” ва яна

ринчидан, бизда ишсизлик йўқ, иккинчидан, бугун сешанба – иш куни. Иш билан таъминлаш масаласида ҳатто бизнинг авлоқ жойларимиз ҳам Европадан ўлса ўлиги ортиқ!”

- Давлат протоколига асосан олдимизда келаётган шаҳарда ярим соат тўхтаб ўтишимиз керак, Ислон Абдуғаниевич, — деб протокол бошлиғи президентнинг ҳаёлини бузди. Уша пайтда президент кортежи одамсиз ва машинасиз кенг йўлда шиддат билан кетиб борарди. Мана, тўхталадиган шаҳар ҳам кўринди.

ютуқларини кўролмайдиган одамлар кимлар – айтиш қийин. Ҳеч бир одам “Мен Ўзбекистонда бирорта соҳада ютуқ бор деб ҳисобламайман!” деб ёзилган плакатни бўйнига осиб юрмайди-ку.

Лекин давлатлар кўп эмас, уларнинг нари борса 50 таси Ўзбекистон деган давлат борлигини билади ва борди-келди қилади. Қайсиси кўролмас экан-а? Европа Иттифоқида бунақа давлат тоқно йўқ. Россия эмас, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳам эмас.

## КАРИМОВ ВА БИЗ ДЕВОРНИНГ ИККИ ТОМОНИДАМИЗ

қандайдир алламбало машиналар экан. Президент кетгандан кейин бу машиналарнинг кўпчилиги қаёққадир йўқолди, ўрнида асосан “Жигули”лар пайдо бўлди. “Сизларда транспорт масаласи ёмон эмас экан” дейди Каримов ийғилларга. Қайтаётиб, кенг, текис, ҳамма жойда белгилар ўрнатилган трассага чиқишди.

Трассада одам тугул бирорта машина ҳам кўринмайди. “Яна мамлакатда йўллар етишмайди, дейишди” деб тўнғиллади президент шерикларига. “Ҳамма бунёдкорлик билан банд бўлса, машинада беҳуда юрадиган одам бўлмаса, одамларга йўлнинг нима кераги бор?” деб жаҳл билан кўшиб кўйди у. Гапни нима билан тугатаркин, деб шериклари унинг оғзига қараб туришарди. “Ўзи ментларимиз ва прокурорларимиз маошига пул топиб бераолмаётганимизда ғаламислар пулни йўл куришга сарфламоқчи. Ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Ўзим текширишимга тўғри келади” деб сўзини тугатди президент.

Трассада одам кўринмасада, бироқ яхши кийинган, юзларида табассум билан ДАН ходимлари тўда-тўда бўлиб туришибди. Улар ҳам президентни бир лаҳза, кўз очиб-юмгунча кўрганларидан беҳад хурсандликларини яширишаётганлари йўқ. “ДАНда жаҳлдор, порахўр, адолатсиз одамлар ишлашади, деган гапларни қайси ифлослар тарқатишар экан-а?! Шундай нур ёғилиб турган қиёфали шахслар порага зорми? Албатта, йўқ!” — деган фикр ўтиб борарди кўрганларидан хурсанд бўлган президентнинг ҳаёлидан. Шериклар дамини чиқармагандан кейин атрофга қараб келаётган Каримовни ўй босди.

“Мана, йўлдаги бир шаҳардан ҳам ўтиб кетдик. Ёмон эмас. Тоза. Чанганг йўқ. Гулгумбазларга қаранг – ундаги гуллар шубугун экилганга ўхшаб барқ уриб турибди. Ҳаммаси жойида. Буларнинг бариси шаҳар маъмурияти яхши ишлаётганининг бир белгиси. Бу ҳудудларда ҳеч нарса ўсмайди, дейишади яна. Ёлғон ҳам эви билан-да! Шаҳар учун, албатта, машиналар камроқ кўринади. Ҳатто автобекатларда ҳам сийрак. Машиналар у ёқда турсин, одамлар ҳам кўринмайди-ю. Ҳамма ишда бўлса керак, чунки, би-

Шаҳар ҳоқими яхши одам, синалган, сақдай вафодор. Уни ўзи танлаган. Мана 12 йилдир-ки ишончини оқлаб келаяпти. Мушти қаттиқ, керак бўлса оёқни ҳам ишлатади, қаҳридан сув музлайди. Прокурор, милиция бошлиғи, МХХнинг маҳаллий раиси унинг чизган чизғидан чиқишмайди, судьялар ва газеталар редакторларини эса эшшақдай минишади.

“Яхши инсон билан учрашиш ҳамма вақт мароқли. У ҳам мени сабрсизлик билан кутаётган бўлса керак” — шаҳарга кираверишда Каримовнинг ҳаёлидан шу гаплар ўтди. Шаҳар жим-жит, нимагадир ҳамма одамлар ини-инига кириб кетганга ўхшайди, йўл ёқасидаги уйларнинг эшик ва деразалари тамбаланган. Томларда жойлашган снайпер-мерганлар пастдан кўринмайди, бироқ улар ерда сичқон қимирласа ҳам сезишади. “Бу шаҳарда барқарорлик юз фоиз – бу биринчи навбатда ҳокимнинг, ундан кейин прокурор, МХХ, милиция, судьяларнинг хизмати. Бу шаҳарда мен учун ҳеч қандай хавф йўқ” — хурсанд бўлган президентнинг мийиғида кулиб кўйганини биров билди, биров билмади.

Учрашувга анча одам тўпланибди. Ҳамма хурсанд. Одамлар – фермерлар, ўқитувчилар, нафақахўрлар ва ҳар хил хирсдай тўқ тадбиркорлар — очик ўзли, ҳар бири кўришиш истагида кўлини чўзади. Баъзан кўнгилга: “Бирор оддий бир одам ўрнидан турса-ю, президентга бор гапни айтиб ташласа, адолатни талаб қилса” деган бир гап келади. Ким ўрнидан турса: “Ана, шу одам ҳозир бор гапни айтади” деб ўйлайсан, киши. Йўқ, “Келганингиздан миннатдоримиз, бизни унутмаганингиз учун раҳмат деймиз, сизни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаймиз” деб жойига ўтиради.

Ҳамма нарса яхши, ҳамма бахтли бўлса, анави дарғазаб мухолифат қаёқдан пайдо бўлади? Президентимизнинг айтишича, мамлакатимизнинг равнақини, ютуқларини кўролмайдиган одамлар ва ҳатто давлатлар бор экан. Негадир кўролмайдиганлар деворнинг биз турган томонида кўринмайди, чамаси улар деворнинг нариги томонида, президент турган томонида юришса керак. Ўзбекистоннинг

Бой араб мамлакатлари эмаслиги ҳам аниқ. Манови ановини қачон кўролмайдими? Шундаки, агар бирор нарса АНОВИда бўлса-ю, МАНОВИда бўлмаса! Бир аёл иккинчи аёлга: “Уйда менинг шойи иштоним бор” деса иккинчи аёл биринчи аёлни кўролмай фашиқади дейишади. Лекин бу икки аёл қип-қизил камбағал бўладилар. Бой бой билан фашиқиши мумкин, лекин бири иккинчисига “менинг шунча бойлигим бор” демайди. Мамлакатлар ҳам шу: АҚШ, Франция, Япония, Жанубий Корея ва бошқа кўплпб мамлакатлар ҳасад ва ҳавас қиладиган Ўзбекистоннинг бирор жойи йўқ. Ўзбекистонни Шимолий Корея, Куба, Непал, Экваторил Гвинея ва бошқа Ўзбекистонга ўхшаш камбағал давлатлар кўролмаслиги мумкин.

“Йўқ, ҳали менинг кетишим мумкин эмас, кетсам бўлмайди, — деб ўйлайди Ислон Абдуғаниевич, — бундай итоаткор халқни ташлаб кетиб бўладими? Ўзимнинг ҳам жонимга теккан бўлсам, барибир кетолмайман. Ҳамма нарса барбод бўлади-ку! Бу ҳаётни ташкил қилиш учун қанчадан-қанча одамларни ўлдирдим, қамадим, мамлакатдан бадарга қилдим. Ўзи бўлмайди-ку! Одамлар умуман олганда яхши, лекин жуда ожиз, кўлидан бир тийинлик иш келмайди. Бу ўзбекларни 24 йил ичида мустақил ишлашга ўргата олмадим. Менсиз булар бирор иш қилолмайди, буларга менинг тўғридан-тўғри кўрсатмаларим керак. Менинг оғзимга қараб туришади, менинг фармонларимни кутишади. Баъзан бирор гап айтишга ҳам кўркаман, мабодо ўйламай айтилган бирор гап оғзимдан чиқиб кетса, дарров бажаришга тушишади. Баъзан шу қадар ҳаракат қилишади-ки, қаёққа қочилишини ҳам билмай қоласан. Шундай пайтда, табиий, у-буни истеъфога ёки ундан ҳам узоққа – “борса келмас”га жўнатишга тўғри келади”.

Шу каби ҳаёллар билан президент Тошкентга қайтди ва АҚШ, БМТ ҳамда Европа Иттифоқидан келишган бир қатор мулозимларни қабул қилди. Уларнинг юзидан ҳам табассум ёғилиб турарди.

Толиб Ёқубов



## “СУББОТНИКЛАР” – КАТТАЛАР ИСТАГАН КУНИ БЎЛАДИ

Қарши шаҳрида ажойиб ва ғаройиб ишлар бўлиб туради. Кун-кеча шахсий юмушларим билан кўчага чиққаним, анча йиллардан бери кўрмаган танишларимни учратиб қолдим. Ўзбек халқида кўпроқ ишлатиладиган сўров бор: “Фарзандлардан нечта?”. Истайсизми, ёки йўқ, бу саволни ҳамма эшитган ва ҳамма эшитади.

Саволга жавоб берилгандан сўнг, суҳбат мавзуси муамолларга томон бурилади. “Нимасини айтасан, дод деб юборгим келаяпти” — деб қолди танишим. Дод дейишининг сабабини сўраганим, “субботниклардан” бешиб қолганини билдирди. “Субботник” совет даврида бир йилда бир бор ўтказиладиган тадбир бўларди. Энди эса мустақилмиз ва юкоридагилар истаган кунда ўзбек ёшлари, ишчи-хизматчилари учун “субботник” бўлиб кетаверади.

“Чикмайман десангиз биров сизнинг пешонангиздан отармиди?” — ҳам кизиксиниб, ҳам далда берган бўлдим.

“Мен-ку майли, фарзандларим ҳам кийналяпти буларнинг эксплуатациясидан” — давом этган бўлди танишим. Суҳбат давомида фарзандлари ҳам кўрқиб қолганлигини айтиб қолди. Кўрқув сабабларидан бири эса, қандайдир бир “воҳималик амакилар” муаммоси экан.

“Бошидан бошлангчи, ”воҳимали амакилар” тўғрисида, балки эртақ ёзиб қоларман,” — қувлик кўрсатаман мен.

“Ҳозир имтиҳон пайти, болалар тай-ёргарлик кўра олмаёпти. Кўчаларда гул чопиқ, ёки дарахтларни оқлагилар экан. Кечга яқин уйга кириб келишяпти.

На овқат ва на нон ейишга холи бор бу болаларнинг. Каримов келармиш деб тиндирмай ишлатишмоқда”. — тушунтирган бўлди аёл.

Унинг айтишича, ўша “субботник” ўтказилаётган жойига бирор Нексия машинасида тўртга-бешта формасиз кишилар келар экан. “Хорманглар, нималар қиляпсизлар?” — деган саволни беришди.

Жонига тегиб турган талабалардан баъзилари субботниклардан зада бўлишганини арзиҳол қилишибди. Улар индамай кетишибди. Эртаси куни қайси коллеж талабаси эканлигини аниқлашган талабанинг, ота-онасига чора кўришибди. Коллеж ва институт талабаларига шахсан директор ва бўлим бошлиқлари томонидан “қулоққа айтилаётган” баъзи “гаплар” бўлиб тураркан.

Унда тайинланганига кўра, спорт кийимида келган кишилар бирон нарса сўраб қолгудек бўлишса, ҳамisha ҳамма нарсадан рози эканликларни айтиш кераклиги уқдириларкан. Қулгим қистади, аммо ўзимни тутиб туришга мажбур бўлдим.

“Манкуртга айланиб бораёпмиз чамаси, шунча чапак чалаётганлар етмасмикан?” — дейман.

“Чапакларига ўт тушин буларнинг, ўзинг бир нима десанг ишхонангга ёпишишади, болалар бир нима деса ота-онасига”, — дея куйнади аёл.

“Атайлаб норози бўлиб кўрингчи, нима қилар экан. Наридан борса “террочи” қилиб қамаб кўяр” — кизиксинман мен.

Бир неча ойдан буён маош олмаётганлиги ва рўзгориде етишмовчиликлар сероб эканлиги қамқонадаги яшаш тарзидан фарқ қилмаслигини келтириб ўтди у.

“Вилоят ҳокими Туроб Жўраевнинг шунақа одамлари бор экан, халқни орасида юраркан дейишяпти, шу ростмикан?” — дея савол берди ҳалиги таниш аёл.

“Эҳ, жуда ҳам соддасизлар-да, ҳоким бу ишлар билан шуғулланмайди. Бизда халқнинг норози кайфиятини ўрганадиган битта ташкилот бор, бу ҳам бўлса МХХ” — деб уқдирдим танишимга. Елкасини кисиб “қайдам” дегандай жавоб қилади у. Прокуратурага ариза беришни маслаҳат бердим. “Йўқ” деган жавоб эшитилгандай бўлди.

“Унда сизга маслаҳат бера олмаيمان, курашман десангиз мен тайёрман” — мавзунини ёпдим. Ох-воҳ тортаётган ҳалиги аёл дардини менга айтиб анча енгиллашди. Ўзи биз шунақа халқмиз, дардимиз ва ҳасратларимизни бошқаларга айтиб енгил тортадиганлар хилиданмиз. “Одам тафтини одам олади” — деган мақолни ҳам бизнинг халқлар ўйлаб топишган. Шундан бўлса керак, бир-биримизнинг тафтимизни олиб, енгил тортиб юраемиз. Фақат ҳокимият, ҳамда ҳукумат органлари бировнинг тафтини олгиси келмайди, балки олишар, шунда ҳам ўз тенглари бўлган “казоқазолар” тафтини олишса керак.

Мен ҳам темир эмасман-ку, енгиллашиш учун одамлар дардини сизлар билан баҳам кўришни истадим. Зора мен ҳам енгиллашсам...

Гулшан Қораева

## ТУЛАДА ЎЗБЕКЛАР ҚУЛДАЙ ИШЛАТИЛАЯПТИ

Россиянинг Тула вилояти далаларида ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари паспорти олиб қўйилиб, қул каби ишга солинмоқда. Бу ҳақда ўзини Аҳмад деб таништирган ўзбекистонлик Озодликка маълум қилди.

- Кеча телефон қилган эдик. Подмосковьеда эдик. Жиянларим бор эди. 50-60 та бола эканда қисқаси. 4-5 та жияним далада ишлагани кетган эди Москвага. Шуни олиб кетгани борсак, паспортини бермаяпти. Проблема бўлиб ётибди. Сизлар отделениеларга телефон қилиб, ёрдам берасизларми?

**Озодлик:** Нимага бермаяпти?

- Пушкинский район Ивановка қишлоғи. Уч ой олдин келишган далага ишлагани. Ўзбекистондан биттаси сотиб юборгани буларни... Чегарадан Газелга чиқиб келиб, булар октябргача ишлаши керак экан. Октябрда ойига 100 доллардан пул берар экан. Ҳозир у болаларнинг мазаси йўқ. Овқатлари чатақ, дейди. Ошқозони оғрияпти. Тушунтириб бўлмаёпти. “Паспорти йўқ, кетса кетаверсин”, дейди.

**Озодлик:** Паспорти қаерда?

- Паспортини уч ой олдин регистрацияга берган экан. Регистрация ҳали ҳам йўқ. Паспортни кимга берганини, телефонини ҳам билмайман, дейди. Уйин қиляпти-да у. “Октябр-ноябргача ишлайсан. Кейин паспортни берамиз” дейди.

**Озодлик:** Ким айтаяпти?

- Корейс хотин бор экан Ли деган. Натали деб қуйишар экан.

“Қаёққа борсанг, боравер. Хоҳласанг полицияга, хоҳласанг, УФМ-Сга бор” деяпти. Пушкиново районида 200-300 ўзбек палаткаларда яшаб ишлаб ётибди. Ит ётиш, мирза туриш. Қуй ҳам ундан яхши қуйхонада ётади. Кўрсангиз, сасиб ётибди. Уч-тўрт ойдан бери ювинмаган. Сасиб кетган гўшт олиб келади, вақти ўтиб кетган нон олиб келади, деяпти. Чой сўрасак, сотади, дейди. Ёзиб қўяди, октябрда ҳисоблашамиз, деб айтади, дейди.

**Озодлик:** Паспортини ишлатиш учун олиб қўйганми?

- Ишлатиш учун. «Қочиб кетмасин болалар» деб олиб қўйган.

**Озодлик:** ФМСга, полицияга шикоят қилиб боришдими?

- Бордик. Кеча битта ўзим бордим. Милицияга борганда: “Тушунтириш хати ёзади”, дейди. У тушунтириш хати ўрталарида. Кетганимиздан кейин йиртиб юбораверади. У ерда собиқ участкавой бор экан Борисов деган. Натали дегани ўшанга: “Борисов, у меня проблема” деб телефон қиляпти-да.

**Озодлик:** Россияда муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар йўқми? Шуларга мурожаат қилмадингларми?

- Пока биз у нимани билмадик.

**Озодлик:** Нечта бола бор у ерда?

- 18 та бола бор ўша Наталининг қўлида. Зўрлаб ишлатапти. Эрталаб соат 5да туришади, кечкурун соат 9 гача, дейди ўзини Аҳмад деб таништирган ўзбекистонлик.



Туланинг Серпухова туманида паспорти олиб қўйилиб, кунига тўққиз соат ишлашга мажбурланаётган тошкентлик Артур билан суҳбатлашамиз.

- Қисқаси бу ердан ҳеч қаёққа чиқиш мумкин эмас.

**Озодлик:** Сизларни кўрқитиб қўйдими у аёл?

Артур билан суҳбатни қуйида тинглашингиз мумкин.

Артур билан суҳбат

Ўзбекистонликларнинг паспортларини олиб қўйгани айтилаётган Наталя Ли исми аёлга кўнғироқ қилдик. Наталя Ли ўзбекистонликларнинг паспортларини олиб қўйгани рад этди, лекин саволларга жавоб беришдан бош тортиб, телефон гўшагини қўйиб қўйди.

- Мен ишлашга мажбурлаяпманми? Мен кимни ишлашга мажбурлаяпман. Номма-ном айтинг. Сиз билан суҳбатимиз қовушмаяпти...

Узга юртларга тирикчилик илинжида боришган ўзбек муҳожирлари ўзларини депортация этишлари ёки ортларидан тушишларидан кўрққан муҳожирлар камдан-кам ҳолларда ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишади.

ozodlik.org



Шу йилнинг 3 июнь кунидан бери Швециянинг Сундсвалл шаҳридаги апелляция суди биносидан Обид қори Назаров ҳаётига суиқасд қилган шахсга яқиндан кўмак берган эр-хотин Боходир Пўлатов ва Нодира Аминоваларга нисбатан Остерсунд суди чиқарган қарор қайта кўрилмоқда. Жараёни 5 нафар ҳакамдан иборат суд хайъати ўрганапти. Даввогар Довуд Назаров, ҳамда жавобгарлар ўзбекистонлик эр-хотинлар.

“Юрий Жуковский айна шу суиқасни амалга оширганлиги тасдиқланмаган”, — дея суҳбат беради ўзбекистонлик қочқинлардан бири, — “топилган тўппончада унинг бармоқ излари йўқ эмиш. Қўлқоп кийиб отган экан. Лекин нега у шанча масофага икки маротиба келиб кетди? Нима учун Стромсундда бир неча ҳафта айланиб юрди? Нега суиқасдан кейин йўқолиб қолди? Бунақа саволлар кўп, лекин суд учун



Янги топилган фактлар жиноят иштирокчиларини жазога торта оладими? Бу ҳақида Обид қори Назаровнинг ўғли, айна суд жараёнида жабрланувчи бўлиб иштирок этаётган Довуд Назаровга муножаат қилдик.

“Янги аниқланган фактлардан ҳозирча айтилаётганлари, булар СМС ва электрон почта ёзишмалари. Булар судланувчиларнинг жиноятларини тасдиқлаб беради”. — дея ишонч билдирди у.

Довуд Назаров сўзига кўра, ҳозирда янги топилган бу ёзишмаларнинг матнлари ҳам мавжуд ва уларда асосан жиноят изларини йўқотиш учун уринилгани келтирилади. Масалан, турли СМС, ҳамда электрон мактублар изини йўқ қилиб ташлаш, Юрий Жуковский билан алоқа қилмай туриш қабила.

Жиноятнинг амалга оширилишида Москвадан кимлиги номаълум қолаётган Умид исмли шахс номи ҳам бор. Нодира Аминова Умид ўзининг туғилган акаси эканлигини келтиради. Боз устига, Даниядан ҳам бир шахс бу жиноятга аралашиб қолганлигини гумон қилиш мумкин. Эр-хотинларнинг ҳисоб рақамларига айнан ўша Даниядаги шахсдан пул тушиб турган. Икки марта 50 минг крондан ва бир неча марта кичик миқдордаги пуллар тушган.

Швед судининг ажобовур жиҳати эса, жиноятчининг жинояти айнан тасдиқланиши зарурлигидир. Судга ёлғон кўрсатма берганлар учун жазо кўзда тутилмайди, ҳар қанча ёлғон тўқинг, у ёлғоннинг ёлғон эканлигини исботлаш ҳам прокурор ва адвокатларнинг вазифасига қиради. Лекин ёлғон фош этилганида ҳам, бу жиноят исботи сифатида қабул қилинмайди.

18 июнь кунидан Сундсваллдаги апелляция суди ўз қарорини чиқариши лозим. Ҳали олдинда тагин бир неча янги фош этилаётган фактлар ҳам борлигидан умид қилаётганлар бор. Акс ҳолда бу жиноятчилар жазосиз қолишлари ҳам мумкин.

Швециядаги судлов ва тергов системаси Ўзбекистондагидан кескин фарқ қилиши аниқ, аммо қамоқхонаси ҳам жуда фарқ қилади. Қамоқда маҳкумларга беш вақт овқат берилади, истаса ишлайди, истамаса йўқ. Маҳкумнинг хонасида Интернет ва телефон бўлади. Хуллас, Ўзбекистончасига олиб қарайдиган бўлсак — бу беш юлдузлик меҳмонхона бўлади. Швеция жиноятчи учун, жиноят учун ва жазо учун ҳам жуда қулай мамлакат.

Тўлқин Қораев

## ШВЕЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛАР УЧУН ЖАННАТ(МИ?)

Судда ҳар икки томон қизиқишларини ҳимоя қилаётган уч нафар адвокатлар ва бир нафар рус таржимони ҳам қатнашмоқда.

Маълумингизким, ўтган 2012 йилнинг 22 февраль кунидан Швециянинг Стромсунд шаҳарчасида яшаб келаётган ўзбекистонлик таниқли имом Обид қори Назаров ҳаётига суиқасд уюштирилган. Узоқ вақт давом этган тергов-суриштирув ишлари ордан бевосита бу суиқасдни амалга оширган шахс Юрий Жуковский эканлиги аниқланди. Аммо у суиқасдан икки кун ўтиб Швеция ҳудудидан чиқиб кетган. Суиқасд ижросисига яқиндан кўмак берган ўзбекистонлик эр-хотин 2012 йилнинг май ойида қўлга олинди ва Остерсунд судида уларнинг содир этган жиноятлари ўрганиб чиқилиб, ҳар иккисининг жиноятда ишток этганлиги тасдиқланмаган деб топилиб, улар озод қилиб юборилди.

Прокурор Кристер Петерсоннинг биринчи инстанция суди қароридан норози бўлиб қиритган протести асосида олиб борилаётган янги жараёнда ҳам айтиш мумкин бўлган қатга ўзгаришлар кузатилинмаётган бўлсада, жиноятчилар қилмишларига муносиб жазо олишидан умидвор бўлаётганлар ҳам кўпчиликдир.

Ушбу жараённинг биринчи кунидаяқ прокурор Кристер Петерсон оммавий ахборот воситаларига ўзбекистонлик эр-хотинларнинг суиқасд ижроси олдидан ва ундан кейин олиб борган ўзаро ёзишмалари аниқланганлигини келтириб ўтди. Булар СМС, ҳамда электрон почта ёзувлари эди. Аммо жавобгар томони адвокатлари эса, аниқланган янги далиллар биринчи инстанция суди қарорига бирор таъсир ўтказмастлигини баён этишди.

Жабрланувчи томон адвокати Макс Аулгрэн 3 июнь кунидан бизнинг саволларимизга жавоб бериб, янги далилларнинг ошқор этилиши ҳукм қарорига таъсири бўлиш, ёки бўлмастлигига аниқ ишончи йўқлигини ҳам билдириб ўтди.

Хўш, аҳвол қай томонга қараб ўзгармоқда? Суд танаффуси вақтида ўзбекистонлик қочқинлар билан суҳбатлашарканмиз, улар жараённинг қандай бораётгани ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашишди. Қочқинларнинг таъкидаётганларига кўра, айбланувчилар ўз фикрларини охирига етказмай тўхтаганимиз. Масалан, “Менимча...”, “Шундай бўлса керак деб ўйлагандим...” каби тугулланмаган фикрлар беришган, аммо бу кесик қолаётган фикрлар эса судларнинг диққатидан четда қолапти.

суиқасдни амалга оширган шахснинг кимлиги фактлар билан аниқланиши керак. Акс ҳолда исбот бўлмай қолади”. — дейди у.

Обид қори Назаровнинг турар жойини аниқлаштириш мақсади билан Боходир Пўлатов Стромсундга ташриф буюрган кезде ўзини Тожикистонлик деб таништиргани ва ўзбеклар билан рус тилида сўзлашгани ҳам қизиқарлик факт. Нега у шундай қилди?

Асли Бухоролик бўлган эр-хотинларнинг бундай йўл тутиши, улар ўз шахсларини ноаниқ қолдириш учун қилган ҳаракатлари махсулидир. Лекин бу ҳолат ҳам суиқасд ижросисига кўмак берганларни айбдор деб топиш учун етарлик эмасга ўхшайди.

Яна ажабланарлик бир томони, 2012 йилнинг февраль ойида гуёки Швеция шимолига сафар қилган Баходир Пўлатовнинг Стромсунддаги масжидга намоз ўқигани, аммо шунда ҳам Обид қори Назаровни кўрмаганини таъкидлаш бўлган. Судда гувоҳлик берганлар эса аксинча, у Обид қори Назаров билан учрашганини, ҳамда биров суҳбат ҳам қилганини таъкидлашади. Гувоҳлардан Юсуф Ҳакимий Боходир Пўлатов билан тасоддифан учрашганини, уни масжидга бошлаб борганини ҳикоя қиларкан, бу ҳолни айнан ўзи кўрганлигини тасдиқлайди.

“Унинг намози мукамал эмасди, чунки у жамоа билан бирга фарз намозини адо этди, лекин ёлғиз ўзи мутлақо намоз ўқий олмасди”. — деган у.

Сафарда бўлган мусулмонлар фақат фарз намозларинигина адо этишлари, тагин улар намозни қасра (қисқартирилган шаклда) адо этишлари, шунингдек бир намоз вақтида икки намозни ўқишлари ҳар бир мусулмонга маълум бўлсада, ўзини тожикистонлик дея таништирган Боходир Пўлатов бу ибодатларни адо этмаган.

Суд материалларида келтирилишича, Боходир Пўлатов ўзининг мукамал мусулмон эканлигини эслатиб ўтаркан, беш вақт намозни адо этишини, имомларни ҳурмат қилишини ҳам таъкидлаган. Бироқ Обидхон қори Назаровнинг имом эканлигини терговчидан билиб қолганини айтган. Ажабо! Обид қори Назаровни ўзбеклар орасида билмайдиган одам йўқ аслида. Олдий халқ орасида имом деб танишса, ҳукумат доираларида “экстримист”, “террочи” деб танишади. Ҳар икки ҳолатда ҳам халқ имомни билади!



## ЎЗБЕК МАФИОЗЛАР ТАВБА ҚИЛАДИЛАРМИ?

Гапни эътироз қилиб бўлмайдиган нукталардан бошламоқчиман:

Балик бошидан сасийди...

Адолат ва адолатли маҳкама бўлмаган жойда давлат бошқаруви қароқчилар тўдасига айланади...

Хукумат тепасидаги ушбу қароқчилар тўдаси мафиозлардан кўра ҳам “мафиоз” ва инсофсиздирлар...

Мафиянинг машҳур таърифи иши кучи қонунсизлик билан фаолият олиб борадиган, сирли ташкилот ҳолида ва “босс”га (рахбарга, лидерга) сўзсиз итоат қиладиган жиноят гуруҳидир. Мафиячиларнинг (ёки мафиозларнинг) фаолият майдонлари кумор уйнаш, қароқчилик, турли жиноятлар (одам ўлдириш ҳам бунга қиради), фухушбозликни ташкиллаштириш ва бошқариш, молиявий махинациялар каби ўзбекча таъриф билан айтганда “дордан қочиб” иш қилишдан иборат.

Мафия, яъни қонунга қарши бўлиш ва ўз билганича иш қилиш инсоният тарихида доимо кузатилиб келган ҳолдир. Советлар даврида ҳам бундай қонунбузарлар мавжуд эди. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда ҳокимият қонунбузарларнинг қўлига ўтгандан кейин, мафиячилик ҳам “гуллаб яшнади”. Чунки қонун пахта даласида бошини кўтара олмай меҳнат қиладиган бечора қишлоқи ўзбек ва унинг болаларидан бошқа ҳеч кимга керак бўлмайдиган “мато” ҳолига келганди. Давлат ҳокимиятини амалга оширадиган қуйи сиёсий ташкилот, яъни маҳалла бошқаруvidан бошлаб, туман, вилоят ва марказий ҳокимиятининг барча тармоқлари қонунсизликни ўзларига

шиор қилиб олдилар. Бу шаклда ҳамма тала талага ўтиб кетди. Бухудди хужжатли фильмларда ваҳший ҳайвонларнинг ўзлари овлаган кийикни парчалаш учун бир бирларига қиладиган ҳужумлари акс эттирилган видео манзарага ўхшаш бир жиноят сахнасига айланди. Энг тепада албатта қонунбузарларнинг, яъни қароқчиларнинг энг каттаси ўрин олди...

Мен бу ерда ўзбек мафиозларнинг ким эканлиги ва уларнинг қилмишларининг тафсилотлари ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Зотан, булар ҳақида аниқ маълум

мотим ҳам йўқ. Айтмоқчи бўлган фикрим, бугун ўзбек мафиозларнинг кўпчилиги Ота ва Қиз олий мафиозлар тарафидан қувғинга учрадилар. Ўртада ҳаммани аҳмоқ, ўзини ақлли, деб билан бир аёл мафиячи бор. Зеромаксни ҳам, МТС ҳам, Кока қолани ҳам, бозору ресторонларни ҳам мана шу “хоним” мафиячи бошқариши маълум. Ким у билан ҳамкорлик қилган ёки қилаётган бўлса, охири вой бўлади, ё қамокқа ташланади, ёки синдирилади, ёки қочиб жонини қутқаради...

Яқинда ватанимиздан келган бир дўстим, ҳамма бу аёлни кечирганда ҳам “мафиозлар” кечирмайди, деб қолди. Шунда ҳаёлимдан, шу мафиозлар ҳам инсонку, улар ҳам кўп қатори Бош Мафиоз ва унинг киизи тарафидан қувғинга ва зулмга учради, яъни адолатсизликни ўз елкаларида таътиб кўрдилар, балки энди ҳақиқатни озми кўпми тушунгандирлар, деган фикр ўтди. Шундай экан, улар ҳам бундан кейин нима қилиш ҳақида ўйлаётган бўлсалар керак, демак уларни тавбага даъват қилиб кўрилса, балки ҳақ тарафга ўтишга журъат қилармикинлар, деган фикр билан ушбу сатрларни ёзмоқдаман. Баъзи бировлар мафиячилар ҳам тавба қиладими, бу бекорчи гапларнинг кимга бор, дейиши мумкин. Инсоният тарихида шундай тавба ҳоллари бўлганки, масалан ўз қизини тириклай кўмган оталар (Умар р.а каби) ёки умри қароқчилик билан ўтган (Абу Зарр р.а каби) инсонлар тавба қилиб, инсофу диёнатда ҳақ йўлида раҳнамолик даражасига кўтарилганлар....

Айтиш керакки, ҳамма ҳам мафиячи бўлиб кетавермайди.

Бунинг учун ҳам ўзига яраша ақлу заковат ва тадбиркорлик керак. Ишнинг кўзини билиш, мақсадни аниқ ҳисоблаш, амални ўз вақтида бажариш каби қобилиятлар зарур...

Энди тавба масаласига келадиган бўлсак, инсонларнинг кўзини очадиган энг катта омил ҳақиқатларнинг ўртага чиқишидир. Бугун Ўзбекистонда халқни ўз қуллари ўрнида кўриб, инсонларга зулм қилишни ўзларига шиор қилиб олган Ота ва Қизнинг жиноятлари жамиятнинг бутун қатламларига, шу жумладан қароқчилару мафиозларга ҳам маълум бўлди. Шундай экан, бу зулмдан қутулиб, адолат устун бўлган жамиятда яшашни ким ҳам истамайди, дейсиз. Қолаверса, ота онасининг ўлими, фарзандининг ёки неварасининг юзидаги беғубор табассум кимнинг кўнглини юмшатмайди, дейсиз?

Умрини қароқчилик билан ўтказган киши бу йўлдан қайтмоқчи бўлса, аввало амалда яхшилик йўлини тутиши керак, деб ўйлайман. Масалан, қўлидаги бойлигу пулларини Ота ва Қиз “олий” қароқчиларга тунатиш ўрнига, зolim режимнинг қамокхонларида азоб чекаётган бечора мазлумларнинг оилаларига беришлари маъқул эмасми? Ахир мафиозлар бу пулларни ҳаром йўл билан топишган, бу пулларни мазлумларга бериш қанчадир тўғри, деган савол туғилиши мумкин. Ўта қийин, яъни истисно ҳолларида ҳалол бўлмаган нарсалар ҳам яхшилик йўлида ишлатилиши мумкин. Ўзбекистонда бугун ўн мингларча, балки юз мингларча мазлум оилалар, қаровсиз қолган болалар, Орол денгизи атрофида жигарлари чириган қанчадан қанча инсонлар бор. Улар орасида бир бурда нонга ёки даволаниш учун дори дармонга эҳтиёжи бўлганлар бор. Мафиячилар уларни бу одамларни қандай топади, уларга ёрдамни қандай етказди, дейсизми. Мафиячиларнинг тадбиркорлиги ва уddaбуронлигини юқорида айтиб ўтдик. Уларнинг кўпчилиги осмондаги қушни тепага қарамасдан уриб туширадиган кишилардир.

Хуллас, истаганга яхшилик эшикларини доимо очикдир. Яхшиликка даъватни ҳам истаган эшитидади, истаган эшитмайди. Бундай даъват эса ҳаммага, яхшига ҳам, ёмонга ҳам, тўғрига ҳам, ўғрига ҳам қилинади...

Намоз Нормўмин



Русия Президенти Путиннинг хотини Людмила Путина билан ўзаро муносабатларида муаммо борлигини

## ВЛАДИМИР ПУТИН ХОТИНИ БИЛАН АЖРАШДИ

анчадан бери турли миш -мишлар шаклида айтилиб келинганди. Кеча Москвада бир театрга бирга келган эр -хотин Путинлар ўзларининг ажралишга қарор беришганини айтишган. “Биз маданий шаклда ажралишга қарор бердик”, деган Людмила Путина бу ҳақдаги саволга жавоб берар экан.

“Биз деярли кўришмаймиз. Ҳар кимнинг ўз ҳаёти бор. Мен жамоатчилик кўз ўнгида бўлишни севмайман. Узимни кўз кўз қилишни истамайман.

Болаларимизни жуда яхши кўраимиз. Улар билан тез тез учрашиб тураимиз”, деган Владимир Путиннинг собиқ умр йўлдоши.

Русия ва халқаро оммавий ахборот воситаларида Русия Президентининг машҳур гимнастикачи, ҳозирда Дума депутаты Алина Кабаевага ошиқ эканлиги ҳам айтилади. Яқинда уларнинг туйлари бўлса, бунга ҳам ажабланмаслик керак...

ЎХХ Ахборот Маркази



## ТИЛ ВА УСЛУБ

Муҳаммад Солихнинг шеърларидаги услуб хусусиятларини белгилайдиган нарсалар ҳақида гапиришдан аввал Туркияда кўникмаган бу хил таҳлилларда таъкиб этиладиган методнинг ва ҳаракат нуқтасининг нималар эканлиги тўғрисида тўхталмоғимиз керак.

Услуб таҳлили айти пайтда тилшуносликни ҳам, адабиётшуносликни ҳам, тадқиқотини ҳам таъказо қилган соҳадир. Тилшуносликнинг соҳаси жумла, адабиётшуносликнинг воз кечилмас унсур эса – тилдир. Тилнинг ифода қилиш имкониятларида вақтга қараб торайиш ва ёки кенгайтиш пайдо бўлиши мумкин. Шу боис, тилшунослик ва адабий тадқиқотларнинг муштарак нуқтаси – тил ва тилни қўлланиш шаклидир.



## МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

Бунинг ёнида санъаткорнинг (ёзувчининг) ўз фикрини (ўқувчига) аниқлаштириш ҳам унутмаслик керак. Санъаткор ўз ўқувчисини билгилантиришни исташи мумкин. Ёки уни хаяжонлантириш, севинтиришни исташи мумкин.

Бундан ташқари санъаткорнинг рухий ҳолатини унинг нияти ва ўз атрофидаги нарсаларга муносабати билан тилнинг ифода имконлари орасидаги таржиҳи (танлови) ҳам белгилайди. Шунинг учун худудлари жуда кенг, шартлари ҳар хил бўлган бу ифода, яъни, услуб ҳаёт қаршисидаги позициянинг бир таясум шаклидир.

Муҳаммад Солихнинг шеър тили ва услуби таҳлил этиларкан, унинг жумла тасавури, тилнинг ифода имконларидан фойдаланиши, руҳ ҳоли, нияти ва одамлар-ла муносабати кўз олдимизда туради ва бундан шундай манзара чиқади:

1. Муҳаммад Солихнинг шеърларида кўрилган энг муҳим хусусиятлардан бири унинг ҳаракатли бир услубга соҳиб эканлигидадир. Феълларнинг турли кип (замон ва шахс билдирувчи майллар) ва шахслар билан қўлланилиши шоир услубига бир ёнлик, ҳаракатчанлик козонтиради ва шеърларни зерикарли монотонликдан қутқаради. Бу хусусни шоирнинг деярли бутун шеърларида кўриш мумкин.

“Оч бир чумчук бўлсам” шеърларида феълларнинг шакли ҳам содда ва ҳамда мураккаб феъл бўлиши чекимда ҳам (турланишда ҳам) гоҳ содда гоҳ мураккаб кипли бўлиши бу хусусиятнинг ёркин кўринишидир.

### ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ

Оч бир чумчук бўлсам,  
Кўнмас эдим сизнинг деразангизга.  
Чумоли бўлсам мен,  
Кеси ўтмас эдим сиз ўтган йўлни,  
Сиз ғассол бўлганда эди,  
Албатта сиздан сўнг ўлардим.  
Агар дарахт бўлсам,  
Сизнинг бўғингизда кўкармас эдим.  
Лекин ҳарсанг бўлсам,  
улкан тош бўлсам,  
Йўлингизда кўндаланг ётган бўлардим.

2. Муҳаммад Солих шеърларидаги диққатни жалб қиладиган иккинчи хусусият ифоданинг назмдан насрга томон тамойил кўрсатишидир.

Шоир классик шеър тушунчаси ташқарисига чиқиб, маъно, мисра, байт ва китъаларда тугалланиши керак деган бир мажбуриятни ҳис этмайди. Маънони мисрадан мисрага ташир экан, “аябмана” ўрнатқан бўлиши даражасида бир тадқиқот бошлайди.

### ТУН

Япроқлардан пештоқ тепада –  
Афсонавий, хувлаган сарой.  
Қалқиб - қалқиб қўяр шаббада,  
Шохлар аро сизиб оқар ой.  
Тўртта дарахт, яъни тўрт устун  
Ёнга солар ширин бир кўрқинч –  
Қаердадир шу кимсасиз тун  
Одам мисол кичкирар бир куш.

3. Муҳаммад Солихнинг шеърлари мавзу нуқтаи назаридан таҳлил этилса, уларда, асосан “дард-ташвиш, депрессия, андиша, иймон ила кутиш” каби мавзулар қаламга олинганини кўрамиз. Фақат режимнинг босими қаршисида бундай туйғуларни очиб бир ифода ила тўғридан тўғри очиб баён этиш жуда қийин.

Бу ҳолат ўша даврда исён қилган бошқа шоир ва ёзувчиларга ҳам хосдир. Муҳаммад Солих ҳам ўз тушунчаларини айтиш учун оригинал бир ифода тарзи, маъжоз, истиора ва символларла тўла янги бир шеър ўртага қўяди. Гоҳ-гоҳ қўлланган халқ мақоллари ва маталлари ҳам унинг шеър тилини бойитгандир. Шунингдек, у айтмоқчи бўлган фикрини ўзига хос услуб билан айтишни биринчи планга чиқаради.

### ҚИЛИЧЛАР УЙҚУГА КЕТСА...

Қиличлар уйқуга кетганда  
Уларни занг босар.  
Қиличлар уйқуга кетганда  
Туккан боламизнинг ҳаммаси ясур.  
Сенинг мардлигингга шубҳа қиламан,  
Ишонмайман мағрурлигингга.  
Чунки сен биласан:  
Агар қилич занглаган бўлса.  
Нафақат эгилган,  
Эгилмаган бошни ҳам кесолмайди у.

Бу шеърда “қилич” калимаси совет тузумини ифодалаган бир символ ўлароқ қўлланилган. Маъно шундай: Совет қиличи 1980 йилларга келиб тўла занглагандир, эски кучини йўқотган ва унинг қаршисида ҳар ким ясур бўлиши мумкин. (“Эгилган бошни қилич кесмайди” мақолига киноя).

“Тараққиёт ва мақол” билан “Мақол” шеърлари халқ мақолларига суянилиб, халқнинг ифода тарзига уйғун бой сўйлашлардир.

### ТАРАҚҚИЁТ ВА МАҚОЛ

Қиримлик қардошларимга  
Мана, тараққиёт қуёши балқиди –  
Бизлар ҳар нарсага қодирмиз бу кун.  
Агарда истасак, бутун бир халқни  
Бошқа сайёрага кўчириш мумкин.  
Тараққиёт ёнида ойиздир мақол:  
Эл оғзига елак топиш ҳам мумкин,  
Агар биз истасак бутун, бемалол  
Ойни этак билан ёпиш ҳам мумкин.

### МАҚОЛ

Замон сенга боқмаса гар,  
сен ҳам боқма замонга  
Майли, яхши отинг чиқсин  
бир лаҳзада ёмонга!  
Боқма унга, бир кун келиб  
оғирлашса ахволинг,  
Исбот қилгин эскирганин  
замон ҳақда мақолнинг.  
Ҳаёти-ла ўзгартирса  
бир мақолни бир одам,  
Бир одамнинг ҳаётига  
этиб ортар ўша ҳам.

Муҳаммад Солихнинг шеърлари сиёсий тузумнинг таъйиқи остида ёзилган асарлардир. Бу асарларнинг деярли ҳаммасида бир қарашда кўриш мумкин бўлмаган фикрий план мавжуддир. Кескин бир законинг асорати бўлган бу “орт план” Муҳаммад Солих шеърларига фалсафий характер козондирмоқдир. Айти пайтда “соф санъат” андишасидан ҳам тугилган бу хусусияти учун Муҳаммад Солих (шеърлари) қийин тушунилган, ҳатто бунинг учун танқидга маъруз қолган бир шоирдир.

Албатта, бу тасбит унинг 1985 йилга қадар ёзилган шеърлари учун қўлланилса тўғрироқ бўлади. Чунки сиёсий таъйиқлар тобора озаяр экан, Муҳаммад Солихнинг ўз таъбири билан айтганда, адабиёт яширинган бурчагидан чиқиб, халққа қараб юрганида, шеърнинг “орт плани”ни ташкил этган фикрлар ҳам очикчасига “олд план”га чиқа бошлайди.

Бу ўзгариш Муҳаммад Солихнинг услубини ҳам ўз таъсири остига олади. У ортик метафорик ифода ўрнига очик сўйловларни келтира бошлайди. Ортик у ўз миллатига туйғу ва тушунчаларини ёркин бир тил ифода этишга бошлайди. “Дехқон қўллари” (1985), “Ўзбек аёлига” (1985), “Иймоннинг уйғониши” (1985), “Туркистон” (1985), “Тилчининг дегани” (1986), “Бошқа” (1986), “Қаршиман” (1986), ва ҳақозолар фавқулодда очик ифода этилган шеърлар Муҳаммад Солихнинг энг маъшура асарларидир.

Шуъайб Қороқош (Туркия)

## ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

### Эзиклар (эзилган жойлар)

Янги эзилган жойларга тезда куйидаги амаллардан бири қўлланади:

Бир нон парчаси оғизда чайналади, шакар ёки тузга ботирилиб, эзилган жойга қўйилади ва боғланади. Бу амал шиш олдини олади, янги эзилган шишни туширади.

Бир парча юнг ёки пахта, олма ёки узум, сиркага ботириб, янги эзилган ерга қўйилса, шиширмайди, шиш бўлса - туширади, оғриқни олади ва қисқа пайтда яхшиланишини таъминлайди. 15-30 дақиқа ора билан ўзгартириб турилади.

### Бундан кейин:

Тенг миқдорда тирноқгул, жамбул, шувокўти майдалаб тўғралади. 2 ош қошиқ ўсимлик аралашмаси 400 гр қайнар сув билан 15 дамлигидан кейин сузилиб совутилади. Бир парча мато бу сувга ботирилиб, эзилган жойга қўйилади ва ҳар 30 дақиқада янгиланади.

### Тузалмаётган яралар

Эски яралар аввал куйидаги усуллардан бири билан ювилади:

1 ош қошиқ кўк чой, газанда ёки чўпонтелпак, 1 стакан иссиқ сувда 15 дақиқа дамланади ва сузилади.

150-200 гр. дуб пўстлоғи 1 литр сув билан паст оловда 15 дақиқа қайнатилди. Сўнгра усти ўралиб, 1 соат дамлаб қўйиб, сузилади.

Сабзи тўғрами бир матога қўйиб, эски яллиғланган яралар устига қўйилади.

Яра тозалангунча бир неча марта сабзи ва мато ўзгартирилади.

Ювилиб тозаланган ярага куйидаги малҳамлардан бири қўйилади:


Сариёғ сувда қайнатилди, совуганидан сўнг сув устидаги ёғ олинади. Кейин тенг миқдорда туйилган қарағай сақичи + сариёғ + асалари ини (уяси) аралаштирилиб, бир идишда паст оловда 10 дақиқа қайнатилди. Малҳам, тоза матога солиниб ярага қўйилади. Бу ҳар кун алмаштирилади. Малҳам музлатчигда сақланади.

160 гр табиий асал + 40 гр балиқ ёғи (аптекаларда бўлади) аралаштирилади. Илк малҳамдек ишлатилади.

Ярим кило сариёғ илк малҳамдагидек тозаланади, кейин эмал идишда қайнатилди. 80 даражагача совутилиб, идиши билан бирга сув ванна-сига олинади. 150 гр прополис тўғрами қўшилади ва 20-30 дақиқа 80 даражалик сув ваннасида аралаштирилади. Кейин совутилади ва яраларга ўралади. Сув ваннаси деб, сув тўла бир идиш ичига қўйилган бошқа бир идишда пиширишга айтилади.

Бир парча юнг ёки пахта сиркага ботирилиди ва эски ярага қўйилса, унинг каттаришини тўхтатади, оғриқни колдиради ва қисқа вақтда соғайтиради.

200 гр сабзи сувига 50-100 гр пиёз суви қўшилади, яра яхшилангач, эрта-кеч ичилади ва ярага боғланади. Қонни, терини ва ярани тозалайди.



### Бундан ташқари:

Бир пиёз эз-маси айна миқдор табиий асал билан аралаштирилиб, яраларга сурилади.

Табиий асал ҳам яраларга жуда яхши фойда бўлади.

Бундан ташқари:

Бир миқдор буғдой 4-5 кун кўкартирилади ва “Кўқарган буғдой”

бўлимида айтилганидек ишлатилади.

Урилиш ва муваффақиятсиз жаррохликлардан кейин танада чикқан, чириб суюқларгача чуқурлашган, ҳеч яхшиланмаган яраларнинг кўқарган буғдой ва 3 кун очлик курси билан тез битиб кетганига гувоҳ бўлганмиз.

Личинка(курт)лар билан яраларни даволаш

Инсон ва ҳайвон танасидаги сурункали яраларни даволашда личинкаларнинг (яшил гўшт пашшанинг куртлари) ишлатиш бутун дунёда ортиб бормоқда. Сурункали яра касалларининг табиий даволаниш 3 йил давом этса, личинка(курт)лар ўлик тўкималарни еб, ярани 24-48 соат ичида тозалаб, ярали жойни ферментлар билан соғайтирмоқда.

### Куйган жойлар

Куйишда биринчи ёрдам:

Вактни йўқотмасдан ва кийимларни ечмасдан, ёнган жой 10-15 дақиқа совуқ сув ичида туриши лозим. Муз ёки қор бўлса, сувга солинади.

Кийимлар бундан кейин ечилиши керак.

Бу билан ёниқ (куйган жой)нинг тери ост қатига ўтишининг олди олинган бўлади.

Кейин куйидаги дорилардан бири ишлатилади:

Ёниққа зайтун ёғи, янги тухум сариғи, ёки табиий сирка сурилади. Буларга бир неча томчи гулёғи қўшилса яна-да таъсири бўлади.

Ёниқ устига эзилган сачратки, ёки яхшилаб ювилган пўсти билан картошка, ёки ошқовоқ ёки сабзи тўғрами қўйилади, намланиб, исиганда, алмаштирилиб турилади.

Тирноқгул чойи ўрама тирноқгул малҳами, ёки сирка билан тайёрланган швед шарбати навбат билан, тез-тез алмаштириб қўлланилади.

Оғриқ камайгач, куйидаги малҳамлардан бири қўйилади:

Бир нўхот катталигида мумиё (4-5 таблетка) 200гр қайнатилган сув ичида эритилб,

Ярага кунда 3-4 марта сурилади ва ёки пульверизатордан сепилади.

Ярага кўқарган буғдой ишлатила бошланади. (“Яралар” бўлимига қаранг.)

1 ош қошиқ зайтун ёғи + 2 ош қошиқ қаймоқ + 1 янги тухум сариғи аралаштирилиб, зиғир ёки пахта матога сурилиб, ёниққа қўйилади.

Кунда 2-3 марта алмаштирилади.

3 ош қошиқ қаймоқ + 1 янги тухум сариғи + 3 ош қошиқ зайтунёғи ёки зиғир ёғи аралаштирилади ва ёниққа қўйилади. Кунига 2-3 марта алмаштирилади.

Илк пайтларда, бу иккисидан бири, фақат яра ёпила бошлаганда, куйидаги малҳам, то яхшилангунча, қўлланилади.

100 гр тузсиз сариёғ ёки қаймоқ + 2 дона 1-2 кунлик янги тухум аралаштирилади ва докага сурилиб, ёниқ устига қўйилади. Кунда 2 марта алмаштирилади.

Бир неча тухум сариғи сариёғ билан товада яхшилаб ковурилади. Қолган ёғ сузилиб олинади ва яраларга сурилади. Бу амал ярани из колдирмасдан, қисқа вақтда ёпади.

Яра яллиғланса, ниҳолланган буғдой қўлланила бошлайди. (“Яралар” бўлимига қаранг)

### Эски амаллардан баъзилари:

Бир парча юнг ёки пахта табиий сиркага ботирилиди ва иссиқ чиқаётган ёниққа (куйган жойга) қўйилса, оғриқни тўхтатади ва тезда соғайтиради.

Темир ва мис қириндиси олинади, тоза лой билан аралаштирилади ва духовкада пиширилади. Совутилганидан кейин, майдаланиб ёниққа сепилади ёки гулёғи билан аралаштирилиб сурилади.

Каптар ини ёнидан каптар ахлати тўпланади, зиғир ёки пахта матога солиниб, печда пиширилади. Қул зайтун ёғи ёки гул ёғи билан аралаштирилиб, ёниққа сурилади. Ибн Сино бу дорига нисбатан “мукамал дори” ифодасини ишлатган.

Бу дориларни илк муолажадан дарҳол кейинок ёки бироз кейинроқ ҳам қўлланиш мумкин. Эски ёниқлар олдин ювилади, сўнгра яра устига малҳам сурилиб, дока билан ўралади. (“Яралар” бўлимига қаранг.)

Яраларга “Яралар” бўлимида ай-тилган малҳамлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Ёниқ (куйган жой)ларнинг қисқа вақтда ўтишини хоҳлаганлар, дарҳол 3 кунлик очлик тутишлари керак, кейин кўп миқдорли яшил сабзавот, зайтун ёғи, саримсоқ, пиёз ва мева ейишлари, 3-7 кун ўтиб яна бир марта 3 кунлик очлик тутишлари керак.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)

Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир  
**Камолiddин Ийldoш**